АЛИҚУЛ РАҲМОНОВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ



Ҳурматли талаба!

Қонунларга итоаткорлик ҳаётдаги шиорларингиздан бири бўлсин!

Ушбу китобимни Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхона фондига беғараз тақдим этаман.

Муаллиф

15.09.2013.

**АЛИҚУЛ РАҲМОНОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ

(ноюридик олий ўқув юртларининг талабалари учун схемали ўқув қўлланма)

836803
kutubxonasi

Тошкент
"Янги аср авлоди"
2013

**УЎК: 342.4(575.1)**
**КБК: 67.400.1(5Ў)**
**Р 33**
**Раҳмонов, Аликул**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш: ноюридик олий ўқув юртларининг талабалари учун схемали ўқув қўлланма / А.Раҳмонов; масъул муҳаррир: Р.Т.Ҳакимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –148 б.

ISBN 978-9943-27-109-8

Мазкур схемали ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишга бағишланган. Муаллиф Конституциянинг моддалари ва уларнинг қисмларини тегишли боғлиқлик ва ўзаро алоқадорлик асосида таҳлил этиб, маълум бир тартибда тасвир ва чизмаларда ифодалаган. Ўқув қўлланманинг охирида эгалланган билимларни текшириш мақсадида тестлар таклиф этилган, тушунчаларга изоҳлар берилган ва энг сўнгги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг матни келтирилган. Ўқув қўлланма китобхонларнинг Конституция билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада бойитишга хизмат қилади.

Ўқув қўлланма ўқувчилар, ноюридик олий ўқув юртларининг талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 342.4(575.1)**
**КБК: 67.400.1(5Ў)**

Масъул муҳаррир:
**Равшан Тўлқунович Ҳакимов,** «Ўзбек халқаро ҳуқуқ ассоциацияси»нинг раиси, юридик фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:
**Неъматжон Кушабаевич Хаттабов,** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди;

**Саидаҳмад Акрамович Ишанхаджаев,** Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасининг доценти, юридик фанлари номзоди.

ISBN 978-9943-27-109-8
© А.Н.Раҳмонов, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш", 2013 йил.

# МУНДАРИЖА


Муаллифдан........ 5
Шартли қисқартмалар........ 6
Ўзбекистон Конституцияси: қабул қилиниши ва ўзгартирилиши........ 7
Ўзбекистон Конституциясининг тузилиши........ 8
Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети........ 9
Ўзбекистоннинг давлат тили ва пойтахти........ 10
Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди........ 12
Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати........ 13
Ўзбекистоннинг давлат рамзлари........ 14
Ўзбекистоннинг Давлат байроғи........ 15
Ўзбекистоннинг Давлат герби........ 17
Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси........ 19
Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи........ 20
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги........ 22
Референдум тушунчаси........ 25
Ўзбекистон халқи номидан........ 26
Давлат фаолиятининг асослари........ 27
Конституция ва қонуннинг устунлиги........ 28
Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари (умумий қоидалар)........ 29
Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари........ 30
Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар........ 31
Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар........ 32
Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар........ 33
Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари........ 34
Фуқароларнинг бурчлари........ 35
Жамоат бирлашмалари........ 36
Тақиқланадиган жамоат бирлашмалари........ 37
Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари........ 38
Никоҳ ва оила........ 39
Оммавий ахборот воситалари........ 40
Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши........ 41
Қорақалпоғистон Республикаси........ 43
Олий Мажлис палаталарининг мутлақ ваколатлари........ 44
Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари........ 46
Олий Мажлис палаталарининг аъзолари сони........ 48
Парламент палаталари аъзолари ва мажлислар ўтказиш........ 49
Олий Мажлис палаталари раҳбарларининг ваколатлари........ 50
Қонун чиқариш жараёни........ 51
Келишув комиссияси........ 53
Палаталар қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар........ 55
Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари........ 56
Олий Мажлис палаталарининг комиссиялари........ 57
Президент қасамёди........ 58
Президент ваколатлари........ 59
Халқ – давлат ҳокимиятининг манбаи........ 62
Парламентни тарқатиб юбориш........ 63
Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар........ 64
Сайлов тизими........ 65

Сайлов ҳуқуқи........ 66
Депутат, сенатор ва Президент: номзодларга қўйиладиган талаблар........ 67
Президент вазифасини бажарувчини сайлаш........ 68
Президент вазифасини вақтинча бажарувчи........ 69
Вазирлар Маҳкамаси........ 70
Бош вазир номзодини тақдим этиш ва тасдиқлаш (биринчи ҳолат)........ 72
Бош вазир номзодини тақдим этиш ва тасдиқлаш (иккинчи ҳолат)........ 73
Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш........ 74
Вазирлар Маҳкамаси истеъфога чиққанидан сўнг........ 75
Маҳаллий давлат ҳокимияти........ 76
Маҳаллий ижроия ҳокимият раҳбарлари........ 77
Ўзини ўзи бошқариш органи........ 78
Суд ҳокимияти........ 79
Суд тизими ҳокимиятлар бўлинишида........ 80
Ўзбекистон Республикасининг суд тизими........ 81
Конституциявий суд ваколатлари........ 82
Адвокатура........ 83
Прокуратура........ 84
Молия ва кредит........ 85
Мудофаа ва хавфсизлик........ 86
Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби........ 87
Ўзбекистон Конституцияси бўйича тест саволлари........ 88
Ўзбекистон Конституцияси бўйича тест саволларининг тўғри жавоблари........ 102
Глоссарий........ 103
Тавсия этиладиган адабиётлар........ 118
Илова........ 122

## Муаллифдан

Азиз китобхон!

Ушбу ўкув қўлланма, номининг ўзи кўрсатиб тургандек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишга бағишланган. Лотин тилидаги *constitutio* сўзидан олинган "Конституция" сўзи *"белгилайман"*, *"таъсис этаман"*, *"тузаман"* деган маъноларни билдиради. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясини яратиш ғояси илк бор 1990 йилнинг мартида бўлиб ўтган мамлакат Олий Кенгашининг биринчи сессиясида илгари сурилган. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Кенгаши иккинчи сессиясининг қарори билан Президент И.А. Каримов раислигида 64 аъзодан иборат Конституциявий комиссия тузилган. Конституция лойиҳаси икки йил давомида (1990 йилнинг июнидан 1992 йилнинг сентябригача) ишланган. Конституция лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасидан ўтган: Конституциявий комиссия ишлаб чиққан лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинган (биринчи муҳокама). Биринчи умумхалқ муҳокамаси вақтида билдирилган таклифлар инобатга олиниб, 1992 йилнинг 21 ноябрида Конституция лойиҳаси иккинчи марта матбуотда эълон қилинган (иккинчи муҳокама). Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилинган кун – 8 декабрь мамлакатимизда ҳар йили байрам куни сифатида кенг нишонланади. Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституцияни ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу схемали ўкув қўлланма ана шу мақсад йўлида хизмат қилади.

Ўкув қўлланманинг мавзулари аксарият ҳолда Ўзбекистон Конституцияси бобларининг кетма-кетлигига мувофиқ келади. Ўзбекистон Конституциясининг бутун матни мазмунан қўлланмада тегишлича у ёки бу ўринда ўз ифодасини топган. Баъзи ўринларда тегишли қонунларнинг матнидан ҳам фойдаланилди. Ўкув қўлланмадан фойдаланишда шуни назарда тутиш керакки, баъзи схемалар юқоридан пастга қараб, бошқа бирлари эса пастдан юқорига қараб ўқилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўрсаткич (стрелка)нинг йўналишига эътибор бериш лозим. Конституция матнидан олинган баъзи сўзларнинг курсивда ёки тўқ рангда ёхуд тагига чизилган ҳолда берилиши муаллиф тегишли маълумотни алоҳида таъкидлаш истагининг ифодаси деб тушунмоқ керак.

Ўкув қўлланманинг охирида Конституциянинг матни доирасида юздан ортиқ тест саволлари, Конституциянинг матнида ва уни ўрганиш жараёнида дуч келинадиган тушунчалар, атамалар ва ибораларнинг изоҳли луғати – глоссарий, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати берилди. Иловада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг сўнгги таҳрирдаги матни ҳам келтирилди.

Ушбу схемали ўкув қўлланмадан ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўкувчилари, нноюридик олий ўкув юртларининг талабалари, шунингдек, ўзининг ҳуқуқий билимлари савиясини янада бойитмоқчи бўлган китобхонлар фойдаланишлари мумкин. Уни ўқиш жараёнида хато ва камчиликларни тўғри англаган китобхонлардан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини қуйидаги электрон почтага йўллашларини сўраймиз: ran69@mail.ru

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йилнинг июль ойи*

# Шартли қисқартмалар

| | |
|---|---|
| б. | бет; бошқалар |
| БМТ | Бирлашган Миллатлар Ташкилоти |
| бошқ. | бошқалар |
| ВК | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши |
| ВМ | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси |
| ЖК | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси |
| ИИВ | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги |
| инг. | инглизча |
| й. | йил |
| лот. | лотинча |
| МБ | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |
| МСИВ | Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги |
| МСК | Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси |
| МХХ | Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати |
| ОАВ | Оммавий ахборот воситалари |
| ОЎМТВ | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| Т. | Тошкент |
| ТИВ | Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги |
| фр. | французча |
| ХТВ | Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги |
| ш. | шаҳар, шаҳри |
| ш. к. | шу каби(лар) |
| юн. | юнонча |
| ЎзР | Ўзбекистон Республикаси |
| ҚК | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари |
| ҚорР | Қорақалпоғистон Республикаси |
| ҚП | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси |
| ҳ. к. | ҳоказо |
| min. | лотин тилидаги *minimum* ("камида") сўзи |

## Ўзбекистон Конституцияси: қабул қилиниши ва ўзгартирилиши

1. **1992 йил 8 декабрь** куни XII чақириқ ЎзР Олий Кенгашининг XI сессиясида Конституция лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилганидан сўнг қабул қилинган.



2. **1993 йил 28 декабрда** Ўзбекистон Конституциясига биринчи ўзгартиш киритилди: “150 нафар депутатдан” деган сўзлар (77-модда, 1-қисм) “депутатлардан” деган сўз билан алмаштирилган (ЎзР Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994, 1-сон, 5-модда).

3. 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган **2003 йил 24 апрелдаги** ЎзРнинг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган.

4. ЎзРнинг **2007 йил 11 апрелда** қабул қилинган Қонуни билан ЎзРнинг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган.

5. ЎзРнинг **2008 йил 25 декабрда** қабул қилинган Қонуни билан ЎзРнинг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган.

6. **2011 йилнинг 18 апрелида** ЎзРнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонуни *(«Халқ сўзи», 2011 йил 19 апрель, № 76)* қабул қилинди. У 2011 йил 4 мартда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, 2011 йил 25 мартда эса Сенат томонидан маъқулланди. 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган (№ ЎРҚ – 284) Қонун, унинг охирги – 2-моддасига биноан расмий эълон қилинган кундан (19 апрелдан) эътиборан кучга кирди.

7. ЎзРнинг **2011 йил 12 декабрда** қабул қилинган Қонуни билан ЎзРнинг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган.

## Ўзбекистон Конституциясининг тузилиши

**Муқаддима**

**1-бўлим. Асосий принциплар**

I боб. Давлат суверенитети *(1–6)*[1]

II боб. Халқ ҳокимиятчилиги *(7–14)*

III боб. Конституция ва қонуннинг устунлиги *(15–16)*

IV боб. Ташқи сиёсат *(17)*

**2-бўлим. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари**

V боб. Умумий қоидалар *(18–20)*

VI боб. Фуқаролик *(21–23)*

VII боб. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар *(24–31)*

VIII боб. Сиёсий ҳуқуқлар *(32–35)*

IX боб. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар *(36–42)*

X боб. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари *(43–46)*

XI боб. Фуқароларнинг бурчлари *(47–52)*

**3-бўлим. Жамият ва шахс**

XII боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари *(53–55)*

XIII боб. Жамоат бирлашмалари *(56–62)*

XIV боб. Оила *(63–66)*

XV боб. Оммавий ахборот воситалари *(67)*

**4-бўлим. Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши**

XVI боб. ЎзРнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши *(68–69)*

XVII боб. Қорақалпоғистон Республикаси *(70–75)*

**5-бўлим. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши**

XVIII боб. ЎзР Олий Мажлиси *(76–88)*

XIX боб. ЎзРнинг Президенти *(89–97)*

XX боб. Вазирлар Маҳкамаси *(98)*

XXI боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари *(99–105)*

XXII боб. ЎзРнинг суд ҳокимияти *(106–116)*

XXIII боб. Сайлов тизими *(117)*

XXIV боб. Прокуратура *(118–121)*

XXV боб. Молия ва кредит *(122–124)*

XXVI боб. Мудофаа ва хавфсизлик *(125–126)*

**6-бўлим. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби** *(127–128)*

| *Ўзбекистон Конституциясининг тузилиши:* |
|---|
| Муқаддима |
| 6 та бўлим |
| 26 та боб |
| 128 та модда |

[1] *Изоҳ.* Конституциянинг моддалари шартли равишда араб рақамлари билан, уларнинг тегишли қисмлари эса Рим рақамлари билан белгиланди: *4–II* (4-модданинг иккинчи қисми), *21–IV* (21-модданинг тўртинчи қисми) ва ш. к. Агар араб рақамлари билан ифодаланган иккита сон чизиқча орқали кетма-кет келган бўлса, масалан *80–14)* шаклида, демак, биринчи сонни моддага ишора деб, иккинчисини эса унинг банди деб тушуниш керак. Айтайлик, *80–14)* ёзилган бўлса, буни "80-модданинг 14-банди" деб ўқиш керак. Агар, дейлик, *78–I.13)* деб кўрсатилган бўлса, буни "78-модда I қисмининг 13-банди" деб ўқиш керак.

## Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети

*«Ўзбекистон – суверен демократик республика».*
*(1)*

| Ўзбекистон – суверен республика. | Ўзбекистон – демократик республика. |
|---|---|
| *«Ўзбекистон халқи [...] давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб Конституцияни қабул қилади».* *(Муқаддимадан)* | *«Ўзбекистон халқи [...] демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб Конституцияни қабул қилади».* *(Муқаддимадан)* |

*(1)*
Давлатнинг номи:
**«Ўзбекистон Республикаси» = «Ўзбекистон»**
(Бу номлар бир маънони англатади.)

***Мисол***

| Ўзбекистон Республикаси – суверен республика. | = | Ўзбекистон – суверен республика. |
|---|---|---|

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»**
**ЎзРнинг Қонуни**
**(31.08.1991)**

ЎзРнинг Мустақиллик декларациясига ва ЎзРнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, ЎзРнинг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

**1-модда.**

ЎзР ўз таркибидаги ҚорР билан бирга мустақил, демократик давлатдир.

**2-модда.**

ЎзРнинг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, у ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

**7-модда.**

ЎзР Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари ЎзРнинг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

# Ўзбекистоннинг давлат тили ва пойтахти

**Ўзбекистон Республикаси**

*(4–I)*
**Давлат тили:**
ўзбек тили

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилинишини таъминланади, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилади.
*(4–II)*

«ЎзРнинг Давлат тили тўғрисида»ги ЎзРнинг янги таҳрирдаги Қонуни **1995 йил 21 декабрда** қабул қилинган.

*(6)*
**Пойтахти:**
Тошкент ш.

Унинг чегарасини ўзгартириш Олий Мажлиснинг розилиги билан амалга оширилади.
*(69)*

"Ўзбекистон халқи [...] фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида [...] Конституцияни қабул қилади".
*(Муқаддимадан)*

| Хатти-ҳаракат ёки фаолият номи | Амалга ошириш | |
|---|---|---|
| | Давлат тилида | Бошқа тилларда |
| *Корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, жамоат бирлашмаларида иш юритиш* | ✓ | Ишловчиларининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда |
| *Ҳисоб-китоб, статистика, молия ҳужжатлари* | ✓ | Ишловчиларининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда |
| *Хўжалик низолари* | ✓ | Тарафларнинг розилиги билан. |
| *Нотариал ҳаракатлар* | ✓ | Фуқароларнинг талабига кўра расмийлаштирилган ҳужжат матни нотариус ёки нотариал ҳаракатни |

| | | |
|---|---|---|
| | | бажараётган шахс томонидан рус тилида ёки имконият бўлган тақдирда - бошқа мақбул тилда берилади. |
| *Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахснинг ким эканлигини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар* | ✓ | Заруриятга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин. |
| *Судлов ишларини юритиш* | ✓ | Ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида. |
| *Қонунлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатларини қабул қилиш ва эълон этиш* | ✓ | Таржималари эълон қилинади. |
| *Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатларини қабул қилиш ва эълон этиш* | ✓ | Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда ҳужжатлар давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. |
| *Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманлар* | ✓ | Қатнашчиларнинг ўзлари танлаган тиллар. |
| *Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш* | ✓ | Заруриятга қараб таржима қилиниши таъминланади. |
| *Телевидение ва радио эшиттиришлари* | ✓ | Мумкин. |
| *Ноширлик фаолияти* | ✓ | Эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда. |
| *Почта-телеграф жўнатмалари* | ✓ | Фуқароларнинг хоҳишига кўра. |
| *Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёрлиқлари, йўриқномалари, этикеткалари* | ✓ | Мумкин. |
| *Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамғалари, иш қоғозларининг матнлари* | ✓ | — |
| *Ўзбекистон ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотлар ва муассасалар, қўшма корхоналарнинг, шунингдек миллий маданият жамиятлари ва марказларининг муҳрлари, тамғалари, иш қоғозлари матнлари* | ✓ (таржимаси давлат тилида такрорланади) | Мумкин. |
| *Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнларини расмийлаштириш ва эълон қилиш* | ✓ | Таржимаси берилиши мумкин. |
| *Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг, майдонларнинг, кўчаларнинг географик объектларнинг номлари* | ✓ | — |
| *Ўзбекистоннинг халқаро шартномаси матнлари (агар шартноманинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса)* | ✓ | Аҳдлашувчи томон(лар)нинг тилида. |

# Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди

| Ўзбекистон Республикаси | |
|---|---|
| **Давлат чегараси** дахлсиз ва бўлинмас. (3-II) | **Давлат ҳудуди** дахлсиз ва бўлинмас. (3-II) |

«ЎзРнинг Давлат чегараси тўғрисида»ги ЎзРнинг Қонуни 1999 йилнинг 20 августида қабул қилинган, 46 моддадан иборат.

ЎзРнинг Давлат чегараси – бу ЎзР ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқ ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдир.

Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш пайтида ЎзР миллий хавфсизликни таъминлаш заруратидан келиб чиқади ҳамда қуйидаги принципларга амал қилади:

- давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегаралари дахлсизлиги ва бузилмаслигини ўзаро ҳурматлаш;
- чегара масалаларини тинч йўл билан ҳал этиш;
- чет эл давлатлари билан ҳар томонлама, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш;
- қўшни давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик.

Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш ЎзРнинг халқаро шартномаларига асосан ЎзР Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Давлат чегараси қуйидагича белгиланади:

| | |
|---|---|
| **Қуруқликда** | Ўзига хос нуқталар, рельефнинг чизиқлари ёки аниқ кўриниб турадиган жойлар бўйича. |
| **Кема қатнайдиган дарёларда** | Дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб. |
| **Кема қатнамайдиган дарёларда, жилғаларда** | Уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб. |
| **Кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида** | Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизиқ бўйича. |
| **Сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида** | Улар сув билан тўлдирилгунга қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизиғига мувофиқ равишда. |
| **Дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўғонлар ва бошқа иншоотларда** | Давлат чегараси сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб. |

# Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

Ўз ички сиёсатини амалга оширади.
*(3–I)*

Ўз ташқи сиёсатини амалга оширади.
*(3–I)*

"Ўзбекистон халқи [...] ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда [...] ЎзРнинг Конституциясини қабул қилади".
*(Муқаддимадан)*

"Ўзбекистон халқи [...] халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда [...] Конституцияни қабул қилади".
*(Муқаддимадан)*

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги ва бошқа умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига асосланади.
*(17–I)*

- давлатларнинг суверен тенглигига;
- куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмасликка;
- чегараларнинг дахлсизлигига;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этишга;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмасликка;
- халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига.

ЎзР – халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир.
*(17–I)*

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.
*(17–II)*

# Ўзбекистоннинг давлат рамзлари

Ўзбекистоннинг
**ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ**
*(5)*

Давлат рамзлари қонун билан тасдиқланади
*(5)*

*(5)*
**Давлат байроғи**

«ЎзРнинг Давлат байроғи тўғрисида»ги ЎзРнинг Қонуни **1991 йилнинг 18 ноябрида** қабул қилинган; 13 моддадан иборат.

*(5)*
**Давлат герби**

«ЎзРнинг Давлат герби тўғрисида»ги ЎзРнинг Қонуни **1992 йилнинг 2 июлида** қабул қилинган; 8 моддадан иборат.

*(5)*
**Давлат мадҳияси**

«ЎзРнинг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги ЎзРнинг Қонуни **1992 йилнинг 10 декабрида** қабул қилинган; 12 моддадан иборат.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»**
**ЎзРнинг Қонуни**
**(31.08.1991)**

ЎзРнинг Мустақиллик декларациясига ва ЎзРнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, ЎзРнинг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

**16-модда.**

ЎзР ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

ЎзР давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

# Ўзбекистоннинг Давлат байроғи





ЎзРнинг Давлат байроғи ЎзР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган. ЎзРнинг Давлат байроғи халқаро муносабатларда ЎзРнинг тимсоли бўлади.

ЎзРнинг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир. ЎзР Давлат байроғининг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. ЎзР Давлат байроғининг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган. ЎзР Давлат байроғининг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида 12 та оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Оқ рангли янги ой ва 12 та оқ рангли беш қиррали юлдузнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган. Оқ рангли янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади. 12 та оқ рангли 5 қиррали юлдуз диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда 3 та, ўрта қаторда 4 та ва қуйи қаторда 5 та юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

Байроқдаги *мовий* ранг – тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди. Байроқдаги *оқ* ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир. *Яшил* ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади. *Қизил* чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларидир.

Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда, қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир.

ЎзРнинг Давлат байроғи ва унинг тасвири катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт «ЎзРнинг Давлат байроғи тўғрисида»ги ЎзРнинг Қонунига илова қилинган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак.




ЎзРнинг Давлат байроғи доимий равишда — ЎзР Президентининг, Олий Мажлис ҚП Спикерининг ва Сенати Раисининг, Бош вазирнинг, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди раисларининг, республика давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг, Бош прокурорнинг, МХХ раисининг, МБ бошқаруви раисининг, Ҳисоб палатаси раисининг, МСК раисининг, ҚорР ЖК ва ВК раисларининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг, ЎзРнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарида; ЎзР қонун ҳужжатлари билан белгиланган байрам кунларида — ҚорР ВКнинг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда (соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйилади); ЎзР Президенти сайлови, ЎзР Олий Мажлиси ҚП депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда (овоз бериш ёки референдум ўтказиш даврида кўтариб қўйилади); ЎзРнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларида ёки ҳудудларида ва транспорт воситаларида — халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига ҳамда ваколатхоналар ва муассасалар жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ; хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига, шунингдек ЎзРда бўлишининг тасдиқланган дастурига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда, юриш йўналиши бўйича ва бошқа ташриф объектларида (хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг ташриф буюришидан 24 соат олдин кўтарилади ва улар жўнаб кетганидан кейин 24 соат мобайнида тушириб қўйилади); спорт майдонларида — ЎзР чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг ЎзР спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда кўтарилади.

# Ўзбекистоннинг Давлат герби



Ўзбекистоннинг Давлат герби ЎзР Олий Кенгашининг Х сессиясида 1992 йил 2 июль куни тасдиқланди. «Герб» сўзи немисча «эрбо» сўзидан олинган бўлиб, шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади. Бундан 2500 йил муқаддам Эрондан Олтойга қадар чўзилган улкан сарҳадда ҳукм сурган Ўғузхон даврида ҳам туркча «тамға» сўзи айнан шу маънони билдирар эди. ХII асрнинг машҳур тарихчиси Рашидиддин Ҳамадоний «Танланган тарихлар» номли китобида шаҳодат беришича, Ўғузхон ўз мол-мулкини ўғилларига улус сифатида кичик давлатларга бўлиб, инъом этган. Ушбу давлатлар ҳукмдорлари ҳам ўзларининг хонлик тамғаларига эга эди.

ЎзР Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир. ЎзР Давлат гербининг тасвири ЎзР Президенти девонининг биносида, Олий Мажлис палаталарининг биноларида, ЎзР Ҳукумати биносида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг биноларида, вазирликлар, давлат қўмиталар, ЎзР ВМга қарашли бошқа органларнинг биноларида, судларнинг биноларида, прокуратура идораларининг биноларида, ЎзР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида, ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг қўшма мажлислари, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП ва унинг Кенгаши мажлислари, ЎзР Олий Мажлисининг Сенати ва унинг Кенгаши мажлислари, ЎзР ВМнинг мажлислари, халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган залларда, судларнинг суд мажлислари залларида, шунингдек туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП, унинг Кенгаши, қўмиталари ва ЎзР Олий Мажлиси ҚПнинг девони, ЎзР Олий Мажлисининг Сенати, унинг Кенгаши, қўмиталари ва ЎзР Олий Мажлиси Сенатининг девони, ЎзР ВМ, ЎзР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, ЎзР вазирликлари ва давлат қўмиталарининг, ЎзР ВМга қарашли бошқа органларнинг, судларнинг, ЎзР МСК, ЎзР прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, давлат нотариал идораларининг, ЎзР банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек ЎзР қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида, ЎзР Президентининг, Олий Мажлис палаталарининг, ВМнинг расмий нашрларида, ЎзРнинг пул бирликларида, қимматли қоғозларида, облигацияларида, почта маркаларида, пул-буюм лотереяси билетларида, ЎзР фуқаросининг паспортида, шунингдек ЎзР фуқароларига бериладиган дипломатик ва ўзга чет эл паспортларида, ЎзРнинг давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад столбаларида ўрнатиб қўйилади.



kutubxonasi

ЎзР Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, Қонунга илова қилинган рангли ва оқ-қора тасвирга аниқ мос бўлиши керак.

ЎзРнинг фуқаролари, шунингдек республикада турган ўзга шахслар ЎзРнинг Давлат гербини хурмат қилишлари шарт.




ЎзР Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида республика хурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи – қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида "O'zbekiston" деб ёзиб қўйилган.

# Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси

ЎзРнинг Давлат мадҳияси *[Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов мусиқаси, Абдулла Орипов сўзи]* ЎзРда нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида, Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; ЎзРда нишонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида республика телевидениеси орқали – дастурларнинг бошланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан, республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши вақтида, давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирларда ЎзРнинг Давлат байроғини кўтариш чоғида, расмий сафар билан ЎзРга ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида – тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

ЎзРнинг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр, ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин. ЎзРнинг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақарот бир мартадан айтилади.

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

**Нақарот:**

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

**Нақарот:**

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

## Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»**
**ЎзРнинг Қонуни**
**(31.08.1991)**

ЎзРнинг Мустақиллик декларациясига ва ЎзРнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, ЎзРнинг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

**5-модда.**

ЎзРда ЎзРнинг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. ЎзР давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.






"Ўзбекистон халқи [...] ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, Ўзбекистон [...] Конституциясини қабул қилади". *(Муқаддимадан)*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»**
**ЎзРнинг Қонуни**
**(31.08.1991)**

ЎзРнинг Мустақиллик декларациясига ва ЎзРнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, ЎзРнинг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

**15-модда.**

ЎзР ҳудудида Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда ЎзР фуқаролиги жорий этилади.

ЎзРнинг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

ЎзРнинг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам ЎзРнинг ҳимоясида бўладилар.

**Ўзбекистон Конституцияси бўйича:**

- Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. *(21-I)*
- Фуқаролик ҳамма учун тенгдир (унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар). *(21-II)*
- Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистоннинг фуқароси ҳисобланади. *(21-III)*

Қуйидагилар қонун билан белгиланади:
*(21-IV)*

↓ Фуқароликка *эга бўлиш* асослари ва тартиби

↓ Фуқароликни *йўқотиш* асослари ва тартиби

**ЎзРнинг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади. ЎзРда ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. ЎзР ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали ЎзР фуқаролари олдида масъулдир. ЎзРнинг фуқароси эса давлат олдида масъулдир. ЎзР Ўзбекистон ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.**

Қуйидагилар ЎзРнинг фуқаролари бўладилар:

**1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва соҳасидан**

катъи назар, "ЎзРнинг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун кучга кирган вақтда[2] ЎзРда доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда ЎзРнинг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан ЎзРдан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар ЎзРнинг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва "ЎзРнинг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида ЎзРнинг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) "ЎзРнинг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ЎзРнинг фуқаролигини олган шахслар.

ЎзР фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумотлар бўлган ўзга ҳужжат — ЎзРнинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади.

ЎзР фуқаросининг чет элда яшаши ЎзР фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди. Чет элда ЎзРнинг фуқаролари ЎзРнинг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар. ЎзР фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

ЎзР ҳудудида яшаб турган ҳолда ЎзР фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар ***фуқаролиги бўлмаган шахслар*** деб ҳисобланади.

ЎзР фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади:

1) туғилганда;

2) ЎзР фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;

3) ЎзРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;

4) "ЎзРнинг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

ЎзРнинг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

2) сўнгги 5 йил давомида ЎзР ҳудудида доимий яшаганлик.

Ушбу қоида ЎзРнинг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, бобаси ёки бувиси ЎзР ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

1, 2 ва 3-бандларда қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳоллардагина ЎзР Президентининг қарорига биноан ЎзР олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек ЎзРни қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

ЎзР фуқаролиги қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) ЎзР фуқаролигидан чиқиш оқибатида;

2) ЎзР фуқаролигини йўқотиш оқибатида;

3) ЎзРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

4) "ЎзРнинг фуқаролиги тўғрисида"ги ЎзРнинг Қонунида кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

ЎзР фуқаролигининг тўхтатилиши ҚорР фуқаролигининг тўхталишига сабаб бўлади.

[2] "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун 1992 йил 28 июлдан эътиборан кучга кирган.

**Ота ва онанинг фуқаролиги бўйича боланинг фуқаролигини аниқлаш**
**("ЎзРнинг фуқаролиги тўғрисида"ги ЎзРнинг Қонуни асосида)**

| № | Ота | Она | Бола | Шартлар ёки ҳолатлар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Номаълум | Номаълум | ЎзР фуқароси | Бола Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бўлса |
| 2. | Фуқаролиги бўлмаган, ЎзРда доимий истиқомат жойига эга | Фуқаролиги бўлмаган, ЎзРда доимий истиқомат жойига эга | ЎзР фуқароси | **Бола** ЎзР **ҳудудида туғилган бўлса** |
| 3. | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | Фуқаролиги йўқ шахс | ЎзР фуқароси | Бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар |
| 4. | Фуқаролиги йўқ шахс | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | ЎзР фуқароси | **Бола қаерда** туғилган бўлишидан қатъи назар |
| 5. | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | Номаълум | ЎзР фуқароси | Бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар |
| 6. | Номаълум | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | ЎзР фуқароси | **Бола қаерда туғилган** бўлишидан қатъи назар |
| 7. | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | ЎзР фуқароси | Бола ЎзР ҳудудида ёхуд ЎзРдан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар |
| 8. | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | Чет эл фуқароси | ЎзР фуқароси | **Бола** ЎзР **ҳудудида туғилган** бўлса |
| 9. | Чет эл фуқароси | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | ЎзР фуқароси | Бола ЎзР ҳудудида туғилган бўлса |
| 10. | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | Чет эл фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | ЎзР фуқароси | **Бола** ЎзР **ҳудудидан ташқарида туғилган** |
| 11. | Чет эл фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | ЎзР фуқароси (бола туғилган пайтда) | ЎзР фуқароси | Бола ЎзР ҳудудидан ташқарида туғилган |
| 12. | Бола туғилган пайтда ЎзР фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | Чет эл фуқароси | ЎзР фуқароси | **Бола ЎзР ҳудудидан ташқарида туғилган** |
| 13. | Чет эл фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | Бола туғилган пайтда ЎзР фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | ЎзР фуқароси | Бола ЎзР ҳудудидан ташқарида туғилган |
| 14. | Бола туғилган пайтда ЎзР фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | Чет эл фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | ЎзР фуқароси | **Бола ЎзР ҳудудидан ташқарида туғилган** |
| 15. | Чет эл фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | Бола туғилган пайтда ЎзР фуқароси (ЎзРда доимий истиқомат жойига эга) | ЎзР фуқароси | Бола ЎзР ҳудудидан ташқарида туғилган |
| 16. | Бола туғилган пайтда ЎзР фуқароси (ЎзРдан ташқарида доимий истиқомат жойига эга) | Чет эл фуқароси (ЎзРдан ташқарида доимий истиқомат жойига эга) | Ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви асосида | **Бола ЎзРдан ташқарида туғилган** |
| 17. | Чет эл фуқароси (ЎзРдан ташқарида доимий истиқомат жойига эга) | Бола туғилган пайтда ЎзР фуқароси (ЎзРдан ташқарида доимий истиқомат жойига эга) | Ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви асосида | Бола ЎзРдан ташқарида туғилган |

## Референдум тушунчаси

| | |
|---|---|
| **РЕФЕРЕНДУМ** | = жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини халқ муҳокамасига тақдим этиш, умумий овозга қўйиш. *(9)* |

ЎзРнинг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита — референдумлар ўтказиш йўли билан иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. *(32)*

ҚорР ЎзР таркибидан ҚорР халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга. *(74)*

*78-1,3):* ЎзРнинг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради.

ЎзРнинг Конституциясига ўзгартиришлар *ЎзРнинг референдуми* билан киритилиши мумкин *(127)*

Конституцияда белгиланганидек *(9)* бўйича "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида" ЎзРнинг Қонуни (1991 йилнинг 18 ноябрида) қабул қилинган. Ҳозирги кунда мазкур Қонуннинг янги таҳрири амалда.

**ЎзРнинг референдуми** = ЎзРнинг қонунларини ва бошқа қарорларини қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларининг умумхалқ овоз бериши. *("Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонун, 1-модда, 1-қисм)*

## Ўзбекистон халқи номидан...

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ**
**номидан иш олиб бориши мумкин:**
*(10–I)*

- **ОЛИЙ МАЖЛИС**
- **ПРЕЗИДЕНТ** *(93–I, 3)*

Улар халқ томонидан сайланади. *(77, 90)*

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. *(10–II)*

**Ўзбекистонда демократия асоси**
*(13–I)*

*Умуминсоний принциплар*

Олий қадрият:

- Инсоннинг шаъни
- Инсон ва унинг ҳаёти
- Инсоннинг қадр-қиммати
- Инсоннинг эркинлиги
- Инсоннинг бошқа дахлсиз ҳуқуқлари

## Давлат фаолиятининг асослари

**Давлат фаолиятининг асослари**
*(14)*

Инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ушбу принциплар асосида амалга оширилади:

- **Ижтимоий адолат принципи**
  - Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. *(18–II)*
  - “Ўзбекистон халқи [...] демократия ва ижтимоий адолатга содиқлигини намоён қилиб, [...] ўзининг мухтор вакиллари сиймосида ЎзРнинг [...] Конституциясини қабул қилади”. *(Муқаддимадан)*
- **Қонунийлик принципи**

**ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСЛАРИ**
*(12–I)*

- **Сиёсий институтлар хилма-хиллиги**
- **Мафкуралар хилма-хиллиги**
  - *12–II*: Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.
- **Фикрлар хилма-хиллиги**

## Конституция ва қонуннинг устунлиги

**Ўзбекистон Республикасида**

**Конституциянинг устунлиги** сўзсиз тан олинади.
*(15–I)*

**Қонунларнинг устунлиги** сўзсиз тан олинади.
*(15–I)*

Давлат **Конституция ва қонунларга мувофиқ** иш кўради.
*(15–II)*

*(16–I)*
Конституциянинг бирорта қоидаси ЎзР ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас

*(72)*
ЎзР қонунлари ҚорРнинг ҳудудида ҳам мажбурийдир.

*(16–II)*
Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

## Инсон ва фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари (умумий қоидалар)

- "Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига [...] содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб [...] Конституцияни қабул қилади". *(Муқаддимадан)*

- "Ўзбекистон халқи [...] республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб [...] Конституцияни қабул қилади". *(Муқаддимадан)*

- Ўзбекистондаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. *(23)*

- Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари — олий қадрият (Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади). *(13–I)*

- Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга. *(18–I)*
  → Имтиёзлар қонунда белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. *(18–II)*

- Барча фуқаролар қонун олдида тенгдирлар (жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар). *(18–I)*
  → Имтиёзлар қонунда белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. *(18–II)*

- Фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари билан ўзаро боғлиқдирлар. *(19)*

- Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. *(19)*

| ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР |
|---|
| *(24)* **Яшаш ҳуқуқи.** Бу ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. |
| *(25–I)* **Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи.** *25–II:* Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. |
| *(27–I)* **Турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи.**<br>*(27–II)* Ҳеч ким бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.<br>Истисно: Қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартиб. |
| *(25–I)* **Шахсий эркинлик ҳуқуқи.** |
| *(28)* Ўзбекистон ҳудудида **бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи** (чеклашлар қонунда белгиланади). |
| *(28)* **ЎзРга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи** (чеклашлар қонунда белгиланади). |
| *(26–I)* Жиноят содир этганликда айбланаётган **шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, унинг айбдор деб ҳисобланмаслик ҳуқуқи.** *26–II:* Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. *26–III:* Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас. |
| *(26–I, 116–I)* **Айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи.** *26–I:* Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. *116–II:* Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида **малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи.** |
| *(27–I)* **Ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқи.** |
| *(27–I)* **Шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқи.** |
| *(29–I)* **Ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи.**<br>Истисно: амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар. |
| *(44)* **Ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи.** |
| *(44)* Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан **судга шикоят қилиш ҳуқуқи.** |
| *(31)* **Хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.** |
| *(115)* Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали **иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи** ҳамда **судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи.** |

| ШАХСИЙ ЭРКИНЛИКЛАР |
|---|
| *(29–I)* **Фикрлаш эркинлиги.** *29–II:* Қонуний чеклаш асоси: Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирда. |
| *(29–I)* **Сўз эркинлиги.** *29–II:* Қонуний чеклаш асоси: Эркинлик давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирда. |
| *(31)* **Виждон эркинлиги.** *31:* Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. |
| *(29–I)* **Эътиқод эркинлиги.** |

## Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар

### *СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР*

- *117–I,II:* **18 ёшга тўлган фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш (сайловда овоз бериш) ҳуқуқи.** Ҳар бир сайловчи бир овозга эга.

- **Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқи.** *(117–I)*

Бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиш мумкин эмас. *(117–V)*

Истисно ҳоллар *(117–IV)*:

1. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро;
2. Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойида сақланаётган шахс.

*(117–IV)*. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

- **Жамият ва давлат ишларини бошқаришда (бевосита ва ўз вакиллари орқали) иштирок этиш ҳуқуқи** (ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан). *(32)*

- **Митинглар, йиғилишлар ва намойишларда (булар ижтимоий фаоллик шаклларидир) иштирок этиш ҳуқуқи.** Бундай тадбирларни ўтказиш ҳокимият органлари томонидан хавфсизлик нуқтаи назаридан тўхтатилиши ёки тақиқланиши мумкин. *(33)*

- **Касаба уюшмаларига уюшиш ҳуқуқи.** *(34–I)*

- **Сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи.** *(34–I)*

Сиёсий партияларда озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. *(34–II)*

- **Оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи.** *(34–I)*

Оммавий ҳаракатларда озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. *(34–II)*

- **Бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш (ариза, таклиф ва шикоятлар шаклида) ҳуқуқи.** *(35–I)*

Мурожаат қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт. *(35–II)*

### *СИЁСИЙ ЭРКИНЛИКЛАР*

- Сайловда ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги. *(117–I)*

Истисно ҳоллар *(117–IV)*:

1. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро;
2. Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойида сақланаётган шахс.

# Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар

| ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАР | ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИКЛАР |
|---|---|
| *(36–I)* **Мулкдор бўлиш (хусусий мулк) ҳуқуқи.**<br>*(53–II)* Хусусий мулк давлат ҳимоясида.<br>*(54)* Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.<br><br>*(36–II)* **Мерос ҳуқуқи.**<br><br>*(37–I)* **Меҳнат қилиш ҳуқуқи.**<br>*(37–II)* Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.<br><br>*(37–I)* **Адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи.**<br><br>*(37–I)* **Ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи.**<br><br>*(38)* **Ёлланиб ишлаётган фуқаронинг дам олиш ҳуқуқи.**<br>*(38)* Иш вақти ва меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади. | *(53–I)* **Тадбиркорлик эркинлиги.**<br><br>*(37–I)* **Касб танлаш эркинлиги.**<br><br>*(53–I)* **Меҳнат қилиш эркинлиги.**<br>*(37–II)* Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.<br><br>*(53–I)* **Иқтисодий фаолият эркинлиги.** |

## Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар

| *ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР* | *ИЖТИМОИЙ ЭРКИНЛИКЛАР* |
|---|---|
| *39–I:* **Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи:**<br>• қариганда;<br>• меҳнат лаёқатини йўқотганда;<br>• боқувчисидан маҳрум бўлганда;<br>• қонунда белгиланган бошқа ҳолларда.<br>*39–II:* Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.<br><br>*41–I:* **Билим олиш ҳуқуқи.**<br>*41–III:* Мактаб ишлари давлат назоратидир.<br><br>*40:* **Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи.**<br><br>*42–I:* **Маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи.**<br>*42–II:* Давлат жамиятнинг **маданий, илмий ва техникавий ривожланишига** ғамхўрлик қилади. | *42–I:* **Илмий ва техникавий ижод эркинлиги.**<br>*42–II:* Давлат жамиятнинг **маданий, илмий ва техникавий ривожланишига** ғамхўрлик қилади. |

## Фукаролар хукук ва эркинликларининг кафолатлари

| |
|---|
| *93–I, 1):* Президент фукароларнинг хукук ва эркинликларига риоя этилишининг кафилидир. Президент касамёдидан *(92): «[...] фукароларнинг хукуклари ва эркинликларига кафолат беришга [...] тантанали касамёд киламан».* |
| *(13–II)* Демократик хукук ва эркинликлар Конституция ва конунлар билан химоя килинади. |
| *(43)* Давлат фукароларнинг Конституция ва конунларда мустахкамланган хукук ва эркинликларини таъминлайди. |
| *(46)* Хотин-кизлар ва эркаклар тенг хукуклидирлар. |
| *(45)* Ушбулар давлат химоясида: • вояга етмаганларнинг хукуклари; • мехнатга лаёкатсизларнинг хукуклари; • ёлгиз кексаларнинг хукуклари. |
| *(53–I)* Барча мулк шакллари тенг хукуклидир. Хилма-хил шакллардаги мулк – бозор муносабатларини ривожлантиришга каратилган Ўзбекистон иктисодиётининг негизидир. |
| *(53–I)* Истеъмолчиларнинг хукуки устунлиги хисобга олиниб, барча мулк шакллари хукукий жихатдан баб-баравар мухофаза этилади. |
| *(53–II)* Барча мулк шакллари (хусусий мулк хам) дахлсиздир. Мулкдор факат конунда назарда тутилган холларда ва тартибдагина мулкидан махрум этилиши мумкин. |
| *(121–II)* Конунийлик ва хукукий тартиботни, фукароларнинг хукуклари ва эркинликларини химоя килишда хукукни мухофаза килувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фукаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин. |

**ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАР**

- Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши *(36–II)*
- Бепул умумий таълим олиш *(41–II)*
- Хукук ва эркинликларни суд оркали химоя килиш хукуки *(44)*
- Ўзбекистон ўз худудида хам, унинг ташкарисида хам ўз фукароларини хукукий химоя килади ва уларга хомийлик кўрсатади *(22)*
- Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят килиш хукуки *(44)*

# Фуқароларнинг бурчлари

*(47)* Барча фукаролар Конституцияда белгилаб кўйилган бурчларни бажарадилар:

- *(48)* **Конституция ва конунларга риоя этиш.**
  *(15–II)* Фукаролар Конституция ва конунларга мувофик иш кўрадилар.
  → *93–I,1):* Президент Конституция ва конунларга риоя этилишининг кафилидир.
- *(48)* **Бошка кишиларнинг хукуклари, эркинликлари, шаъни ва кадр-кимматини хурмат килиш.**
- **Халкнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш.** *(49–I)*
  Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир. *(49–II)*
- *(50)* **Атроф табиий мухитга эхтиёткорона муносабатда бўлиш.**
- *(51)* **Соликлар ва махаллий йигимларни тўлаш.**
- *(52)* **ЎзРни химоя килиш. Харбий ёки мукобил хизматни ўташ.**

| |
|---|
| *(19)* Фукаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган бурчлари билан ўзаро богликдирлар |
| *(23)* Ўзбекистондаги чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар Конституция, конунлар ва халкаро шартномалар билан белгиланган бурчларни адо этадилар. |
| *(55)* Умуммиллий бойлик бўлган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси хамда бошка табиий захиралардан окилона фойдаланиш. Улар давлат муҳофазасидадир. |
| *(66)* Вояга етган, мехнатга лаёкатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳакида гамхўрлик килиши. |
| *(64–I)* Ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига кадар бокиши ва тарбиялаши. *(65–I)* Фарзандлар конун олдида тенгдирлар (ота-оналарнинг насл-насабидан ва фукаролик холатидан катъи назар). |
| *(20)* Ўз хукук ва эркинликларини амалга оширишда бошка шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг конуний манфаатлари, хукуклари ва эркинликларига путур етказмаслик. |
| *(54)* Мулкдорнинг ўз мулкидан фойдаланишида экологик мухитга зарар етказмаслиги, фукаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хукукларини ҳамда қонун билан қўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги. |

## Жамоат бирлашмалари

| *Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлса, қуйидагилар жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилади:* | |
|---|---|
| *(56)* **Касаба уюшмалари** | *(59)* Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Аъзо бўлиш – ихтиёрий.<br>*10–II:* Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. |
| *(56)* **Сиёсий партиялар** | *(60)*<br>• Турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифода этади.<br>• Ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.<br>• Ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга (ёки у вакил қилган органга) ошкора ҳисоботлар бериб туради.<br>*10–II:* Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. |
| *(56)* **Олимларнинг жамиятлари**<br>*(56)* **Хотин-қизлар ташкилотлари**<br>*(56)* **Фахрийлар ташкилотлари**<br>*(56)* **Ёшлар ташкилотлари**<br>*(56)* **Ижодий уюшмалар**<br>*(56)* **Оммавий ҳаракатлар** | *10–II:* Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. |
| *(61)* **Диний ташкилотлар ва бирлашмалар** | *(61)*<br>• Давлатдан ажратилган.<br>• Қонун олдида тенг.<br>• Давлат уларнинг фаолиятига аралашмайди.<br>*10–II:* Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. |
| *(56)* **Фуқароларнинг бошқа уюшмалари** | *10–II:* Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. |

# Тақиқланадиган жамоат бирлашмалари

*(57–I) Қуйидагиларнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиши тақиқланади:*

- **Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи бирлашмалар.**

- **ЎзРнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқувчи бирлашмалар.**

- **Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи бирлашмалар.**

- **Урушни тарғиб қилувчи бирлашмалар.**

- **Ижтимоий адоватни тарғиб қилувчи бирлашмалар.**

- **Миллий адоватни тарғиб қилувчи бирлашмалар.**

- **Ирқий адоватни тарғиб қилувчи бирлашмалар.**

- **Диний адоватни тарғиб қилувчи бирлашмалар.**

- **Халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи бирлашмалар.**

- **Ҳарбийлаштирилган бирлашмалар.**

- **Миллий руҳдаги сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари.**

- **Диний руҳдаги сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари.**

- *(57–II)* **Махфий жамиятлар.**

- *(57–II)* **Махфий уюшмалар.**

- *(121–I)* **Жиноятчиликка қарши кураш бўйича *тезкор-қидирув* вазифасини мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг бўлинмалари.**

- *(121–I)* **Жиноятчиликка қарши кураш бўйича *тергов ва бошқа* вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг бўлинмалари.**

# Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари



# Никох ва оила

**ОИЛА**

(63–I)
Жамиятнинг асосий бўғини

(63–II)
**НИКОҲ АСОСЛАРИ**

Томонларнинг ихтиёрий розилиги

Томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради. *(64–II)*

Ушбулар давлат муҳофазасида:

**ОНАЛИК**
*(65–II)*

**ОИЛА**

*(63–I)*
Оила жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

**БОЛАЛИК**
*(65–II)*

# Оммавий ахборот воситалари

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

- *(67-I)* Улар эркиндир, қонунга мувофиқ ишлайди ва ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.
- *(67-II)* Цензурага йўл қўйилмайди.

ЎзРда ОАВни цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ва материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**ОАВ** — оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) 6 ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари.

ЎзРда ОАВ ўз фаолиятини "Давлат тили ҳақида"ги ЎзР Қонунига мувофиқ амалга оширади.

ОАВ орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади. Юридик ёки жисмоний шахс ОАВда эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир. ОАВ раддияни, жавобни эълон қилишдан бўйин товласа ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

# Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши



**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши[3]**

| | Қишлоқ туманлари | Шаҳарлар | Шаҳарчалар | Қишлоқлар (овуллар) |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон** | **159** | **120** | **117** | **1459** |
| Қорақалпоғистон | 14 | 12 | 17 | 124 |
| Андижон вилояти | 14 | 11 | 5 | 95 |
| Бухоро вилояти | 11 | 11 | 3 | 120 |
| Жиззах вилояти | 12 | 7 | 8 | 95 |
| Навоий вилояти | 8 | 7 | 8 | 55 |
| Наманган вилояти | 11 | 8 | 12 | 99 |
| Самарқанд вилояти | 14 | 11 | 12 | 125 |
| Сирдарё вилояти | 8 | 5 | 6 | 75 |
| Сурхондарё вилояти | 14 | 8 | 7 | 114 |
| Тошкент вилояти | 15 | 16 | 18 | 146 |
| Фарғона вилояти | 15 | 9 | 10 | 164 |
| Хоразм вилояти | 10 | 3 | 7 | 100 |
| Қашқадарё вилояти | 13 | 12 | 4 | 147 |




1 - Қорақалпоғистон Республикаси
2 - Хоразм вилояти
3 - Бухоро вилояти
4 - Навоий вилояти
5 - Самарқанд вилояти
6 - Қашқадарё вилояти
7 - Сурхондарё вилояти
8 - Жиззах вилояти
9 - Сирдарё вилояти
10 - Тошкент вилояти (Тошкент ш.)
11 - Наманган вилояти
12 - Фарғона вилояти
13 - Андижон вилояти

[3] *Ушбу манба асосида:* Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. 591-б.

## Қорақалпоғистон Республикаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

*(75–I)*
ЎзР билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари ЎзР ва ҚорР ўртасида ЎзР Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

*(75–II)*
ЎзР ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

*(71–I)*
Ўз Конституциясига эга.

*(73)*
ҚорРнинг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

*(69)*
ҚорРнинг чегарасини ўзгартириш Олий Мажлиснинг розилиги билан амалга оширилади.

ҚорРнинг фуқароси айни вақтда Ўзбекистоннинг фуқароси ҳисобланади. *(21–III)*

ЎзР қонунлари ҚорРнинг ҳудудида ҳам мажбурийдир. *(72)*

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон томонидан муҳофаза этилади. *(70–II)*

## Олий Мажлис палаталарининг мутлақ ваколатлари

**Олий Мажлис**
(олий давлат вакиллик органи)
*(76–I)*

*(76–II)*
Икки палатали

| *(76–II)* Юқори палата | *(76–II)* Қуйи палата |
|---|---|
| **Сенат**<br>*(76–III)* Ваколат муддати:<br>5 йил | **Қонунчилик палатаси**<br>*(76–III)* Ваколат муддати:<br>5 йил |

| **Мутлақ ваколатлари** | |
|---|---|
| *80–1):* Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш. | *79–1):* Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш. |
| *80–13):* Ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш. | *79–3):* Ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш. |
| *80–14):* Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш. | *79–4):* Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш. |
| ***Президент тақдимига биноан:*** | |
| *80–2):* Конституциявий судни сайлаш. | |
| *80–3):* Олий судни сайлаш. | |
| *80–4):* Олий хўжалик судини сайлаш. | |
| *80–5):* Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш. | |
| *80–8):* ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш. | |
| *80–9):* ЎзР МБ бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш. | |
| *80–10):* Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш. | |

## Олий Мажлис палаталарининг мутлақ ваколатлари

**Олий Мажлис**

**Сенат** | **Қонунчилик палатаси**

**Мутлақ ваколатлари**

| Сенат | Қонунчилик палатаси |
|---|---|
| ***Президент фармонларини тасдиқлаш:*** | |
| • *80–6):* Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлар;<br>• *80–7):* МХХ раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлар. | |
| ***Бош прокурор тақдимига биноан:*** | |
| *80–11).*<br>Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш. | *79–2):*<br>Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш. |
| ***Ҳисоботларни эшитиш:*** | |
| *80–12):*<br>• Бош прокурорнинг ҳисоботини;<br>• Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини;<br>• МБ бошқаруви раисининг ҳисоботини. | |

## Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари

**Олий Мажлис**

| **СЕНАТ** (81–I) | **(81–I) ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ** |
|---|---|
| Ваколат муддати тугагач, янги чақириқ Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради. | Ваколат муддати тугагач, янги чақириқ Қонунчилик палатаси иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради. |

### *(78)* БИРГАЛИКДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

*(78–II) Масалаларни кўриб чиқиш:*
Қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

| |
|---|
| *78–I,1):* Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. |
| *78–I,2):* Конституциявий қонунларни, қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. |
| *78–I,3):* Референдум ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш. |
| *78–I,4):* Ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш. |
| *78–I,5):* Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш. |
| *78–I,6):* Ўзбекистон таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг республика таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш. |
| *78–I,7):* Бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш. |
| *78–I,9):* Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш. 123: ЎзР ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади; солиқлар жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақли. |
| *78–I,10):* Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш. |
| *78–I,11):* Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш. |
| *78–I,12):* Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш. |
| *78–I,14):* МСКни тузиш. |
| *78–I,15):* Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш. |
| *78–I,16):* Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш. |
| *78–I,17):* Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш. |
| *78–I,20):* Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш. |
| *78–I,21):* Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш. |

## Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари

**Олий Мажлис**

| ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ | СЕНАТ |
|---|---|

**БИРГАЛИКДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ**
*(78)*

***Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан:***

*78-I,8):*
Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш

***Президент фармонларини тасдиқлаш:***

*78-I,13):*
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонлар.

*78-I,18):*
ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонлар.

*78-I,19):*
Умумий ва қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонлар.

***Президент тақдимига биноан:***

*78-I,15):*
Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

## Олий Мажлис палаталарининг аъзолари сони

| | ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ | СЕНАТ |
|---|---|---|
| **Аъзоларининг сони** | *(77–I)*<br>150 депутат<br>(Улар қонунга мувофиқ сайланади.) | Ҳудудий вакиллик палатаси *(77–II)*<br>*(77–III)*<br>6 киши – ҚорРдан,<br>6 киши – Тошкент вилоятидан,<br>6 киши – Сирдарё вилоятидан,<br>6 киши – Жиззах вилоятидан,<br>6 киши – Фарғона вилоятидан,<br>6 киши – Андижон вилоятидан,<br>6 киши – Наманган вилоятидан,<br>6 киши – Қашқадарё вилоятидан,<br>6 киши – Сурхондарё вилоятидан,<br>6 киши – Самарқанд вилоятидан,<br>6 киши – Навоий вилоятидан,<br>6 киши – Бухоро вилоятидан,<br>6 киши – Хоразм вилоятидан,<br>6 киши – Тошкент шаҳридан,<br>16 киши – Президент томонидан тайинланади (фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан).<br>Ваколати тугаши муносабати билан **истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси** лавозимини эгаллайди. *(97)* |
| | *(77–V)* Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида депутат ва сенатор бўлиши мумкин эмас. | |
| **Мажлисларнинг ваколатлилиги** | *(81–V)* Мажлис ишида барча депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса. | *(81–V)* Мажлис ишида барча сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса. |
| **Конституциявий қонунларни қабул қилиш** | *(81–VI)* Барча депутатлар умумий сонининг камида ⅔ қисми иштирок этиши шарт. | *(81–VI)* Барча сенаторлар умумий сонининг камида ⅔ қисми иштирок этиши шарт. |

## Парламент палаталари аъзолари ва мажлислар ўтказиш

<table>
<tr><th></th><th>ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ</th><th>СЕНАТ</th></tr>
<tr><td>Аъзоларининг аталиши</td><td>(77–I) Депутат (Қонунчилик палатаси депутати).</td><td>(77–II) Сенатор (Сенат аъзоси).</td></tr>
<tr><td>Аъзоларини сайлаш ёки тайинлаш тартиби</td><td>(77–I)<br>150 депутат</td><td>(77–III, 117–III) ҚорР ЖК, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан (84 киши) сайланади ҳамда Президент томонидан (16 киши) тайинланади.</td></tr>
<tr><td>Номзодларга қўйиладиган талаблар</td><td colspan="2">(77–IV)<br>1) сайлов куни 25 ёшга тўлган ЎзРнинг фуқароси;<br>2) камида 5 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган ЎзРнинг фуқароси.<br>77–IV: Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Биринчи мажлисни чақириш<br>(81–II)</td><td colspan="2">(81–II) Биринчи мажлис МСК томонидан чақирилади.</td></tr>
<tr><td>(81–II) Сайловдан кейин 2 ойдан кечиктирмай.</td><td>(81–II) Сенат таркиб топганидан кейин 1 ойдан кечиктирмай.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Мажлислар ўтказиш</td><td>(81–III) Сессиялар даврида ўтказилади.<br>Сессиялар ўтказиш:<br>қоида тариқасида, сентябрнинг 1-иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар.</td><td>(81–IV)<br>Заруратга қараб ўтказилади (лекин: min. 3 марта / 1 йил).</td></tr>
<tr><td colspan="2">(81–VIII) Палаталар алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">(81–VII)<br>Ушбулар палаталар ва уларнинг органлари мажлисларида иштирок этиши мумкин:</td><td colspan="2">• Президент;<br>• Бош вазир;<br>• Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари;<br>• Конституциявий суд раиси;<br>• Олий суд раиси;<br>• Олий хўжалик суди раиси;<br>• Бош прокурор;<br>• Марказий банк бошқарувининг раиси;</td></tr>
<tr><td>• Сенат Раиси.</td><td>• ҚП Спикери.</td></tr>
</table>

## Олий Мажлис палаталари раҳбарларининг ваколатлари

| ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ | СЕНАТ |
|---|---|
| Палата бошлиғи:<br>**С П И К Е Р**<br>(Қонунчилик палатасининг Спикери) | Палата бошлиғи:<br>**Р А И С**<br>(Сенат Раиси) |
| ***Сайлаш:*** | |
| Палата ўз таркибидан (Спикернинг ўринбосарларини ҳам) сайлайди *(85–I)*:<br>• яширин овоз бериш орқали; *(85–II)*<br>• депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан; *(85–II)*<br>• 5 йилга (палата ваколати муддатига). *(85–II)* | Сенат ўз таркибидан Раис (Раис Президент тақдимига биноан) ва унинг ўринбосарларини (*86–II*: булардан бири ҚорРнинг вакили бўлади) сайлайди *(86–I)*:<br>• яширин овоз бериш орқали; *(86–III)*<br>• сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан; *(86–III)*<br>• 5 йилга (Сенат ваколати муддатига). *(86–III)* |
| ***Муддатидан илгари чақириб олиш:*** | |
| *(85–III) Спикер:* яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг ⅔ қисмидан кўпрогининг овози билан қабул қилинган палата қарорига биноан. | *(86–IV) Раис:* яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг ⅔ қисмидан кўпрогининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан. |
| ***Палата бошлиғининг ваколатлари:*** | |
| • *85–IV,1)*: палата мажлисларини чақириш, уларда раислик қилиш;<br>• *85–IV,2)*: палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилиш;<br>• *85–IV,3)*: палата қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;<br>• *85–IV,4)*: Ўзбекистон қонунларининг ва палата қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;<br>• *85–IV,5)*: парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ палата гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилиш;<br>• *85–IV,6)*: Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда палата номидан иш кўриш;<br>• *85–IV,7)*: палата қарорларини имзолаш;<br>• *85–IV,8)*: Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш. | • *86–V,1)*: палата мажлисларини чақириш, уларда раислик қилиш;<br>• *86–V,2)*: палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилиш;<br>• *86–V,3)*: палата қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;<br>• *86–V,4)*: Ўзбекистон қонунларининг ва палата қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;<br>• *86–V,5)*: парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ палата гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилиш;<br>• *86–V,6)*: Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда палата номидан иш кўриш;<br>• *86–V,7)*: палата қарорларини имзолаш;<br>• *86–V,8)*: Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш. |
| *(85–V)* Спикер фармойишлар чиқаради. | *(86–VI)* Раис фармойишлар чиқаради. |

2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган сайловлар (2005 йил 9 январда амалга оширилган такрорий овоз бериш) натижасида ЎзРда илк бор икки палатали парламентнинг қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси шакллантирилди. 2005 йилнинг 17–20 январь кунлари ЎзР маҳаллий худудларида ЎзР Олий Мажлисининг юқори палатаси – Сенатига сайлов ўтказилди. Шу билан бирга, Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланди. 2005 йилнинг 28 январида ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда икки палатали парламент ташкил этилди.

Икки палатали Олий Мажлис Ўзбекистонда қонунчилик жараёнини (қонун чиқарувчи ҳокимиятни) амалга оширади. Қонунчилик жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: (1) қонунчилик ташаббуси кўрсатиш, (2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, (3) қонунни қабул қилиш ва (4) қонунни эълон қилиш.

Қонунни яратиш жараёни қонунчилик ташаббуси кўрсатилишидан бошланади (1-босқич). Қонунчилик ташаббуси деганда, қонунни қабул қилиш билан боғлиқ таклифни Қонунчилик палатасига киритиш фаолияти тушунилади. Демак, бу ташаббус Қонунчилик палатасида (Олий Мажлисда эмас!) рўёбга чиқарилади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг номи ва сони кейинги саҳифада кўрсатилган. Шундай қилиб, тегишли субъект таклифни Қонунчилик палатасига киритади. Бу таклиф палатанинг сессияси кун тартибига қўйилади (2-босқич). Шу ўринда айтиш керакки, ўта муҳим масалаларни тартибга солувчи қонун лойиҳалари халқ муҳокамаси (референдум)га (бу қонунларни қабул қилишнинг иккинчи йўли ҳисобланади) қўйилади, қолганлари эса палата мажлисларида муҳокама этилади. Қонунчилик палатасига келиб тушган таклиф (қонун лойиҳаси) палата Спикери томонидан қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага топширилади. Бу қўмита ўз хулосасини палата Кенгашига беради. Кенгаш қарори асосида лойиҳа, агар у талабларга мувофиқ бўлса, қуйи палатада кўриб чиқилади (акс ҳолда таклифни киритган субъектга қайтарилади). Лойиҳа, қоида тариқасида, палатада уч ўқишда кўриб чиқилади. Қабул қилинган қонун 10 кун ичида Сенатга юборилади. Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат рад этган қонун қуйи палатага қайтарилади. Агар депутатлар умумий сонининг ⅔ қисми қонунни яна маъқулласа, мазкур қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади ва тўғридан-тўғри Ўзбекистон Президентига (имзолаш ва эълон қилиш учун) юборилади. Агар Сенат қонунни рад этса, икки палата ўртасида (ҳар бир палата аъзолари орасидан тенг асосда) келишув комиссияси тузилади. Келишув комиссияси Сенатнинг эътирозини кўриб чиқади. Келишув комиссиясининг таклифи эса қуйи палата томонидан кўриб чиқилади. Агар қуйи палата қонунни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилса, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади. Сенат томонидан маъқулланган қонун Президентга юборилади. Ўз навбатида, Президент ҳам қонунни қайтариши мумкин. Бу ҳолда қонун қуйи палатага қайтади.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади (3-босқич). Овоз бериш 3 хил шаклда амалга оширилади: моддама-модда, бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида, лойиҳа тўлигича овозга қўйилади.

Сенат маъқуллаган қонунни имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Президентига 10 кун ичида юборади. Қонун 30 кун ичида Президент томонидан имзоланади ва эълон қилинади (4-босқич). Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши уларни қўллашнинг мажбурий шартидир.

**Матбуот (расмий нашрлар)да эълон килиниши**

*(84–X)* Бу қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланишининг мажбурий шартидир.

*(84–I)* Қонун ҚП томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Президент томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

7 — 11

**П Р Е З И Д Е Н Т**

*(84–IV)* Қонун 30 кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

*84–VIII, 93–I.17)* Президент қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

6 — 10

**О Л И Й   М А Ж Л И С**

*(84-III)* 10 кун ичида

5

*(84–V)* **С Е Н А Т**

Қонун маъқулланди. — Қонун маъқулланмади. (8)

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ**

*(84–II)* Қонун қабул қилинган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай Сенатга юборилади. (4)

(3) Қонун қабул қилинди.

(9) *(84–VI)*

**Қонунни қайта кўриб чиқиш:**

Агар депутатлар умумий сонининг ⅔ қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонун яна маъқулланса, бу қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва имзолаш ҳамда эълон қилиш учун Президентга юборилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи *қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш* орқали амалга оширилади. *(83)*

2

1

*(83)* **Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари:**

— Президент
— Қорақалпоғистон (Жўқорғи Кенгес орқали).
— Қонунчилик палатаси депутатлари.
— Вазирлар Маҳкамаси.
— Конституциявий суд.
— Олий суд.
— Олий хўжалик суди.
— Бош прокурор.

*(84-VII)*

**СЕНАТ ТОМОНИДАН РАД ЭТИЛГАН ҚОНУН**

**юзасидан палаталар ўртасида юзага келган келишмовчиликни бартараф этиш**



## ҚОНУННИНГ АВВАЛГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТАҲРИРИДА ПАЛАТАЛАР ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНИШИ

*(84-IX)*

**ОЛИЙ МАЖЛИС**

**СЕНАТ**

Қонун сенаторлар умумий сонининг камида $\frac{2}{3}$ қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса.

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ**

Қонун депутатлар умумий сонининг камида $\frac{2}{3}$ қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса.

↓

**ПРЕЗИДЕНТ**

Қонун 14 кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

**Олий Мажлис**

↓ ↓

**Қонунчилик палатаси** — **Сенат**

↓

**ҚЎШМА МАЖЛИСЛАР ЎТКАЗИШ:**

1) *81-IX, 92:* Президент қасамёд қилганда.

2) *81–IX, 93–I,7):* Президент мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда.

3) *81–IX:* Чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда.

4) *81-IX:* Палаталар келишувига биноан бошқа масалалар юзасидан.

5) *98-XII:* Бош вазир ва Олий Мажлиснинг ҚП ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда ҚП депутатлари умумий сонининг камида $\frac{1}{3}$ қисми томонидан ЎзР Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

## Палаталар қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

**ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ**

| СЕНАТ | ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ |
| --- | --- |

*(82–I)*
**ҚАРОР**

| | |
| --- | --- |
| *(82–II)* Сенаторлар умумий сонининг **кўпчилик овози билан** қабул қилинади. | *(82–II)* Депутатлар умумий сонининг **кўпчилик овози билан** қабул қилинади. |

*(82–II)*
*Истисно ҳоллар:*
(Улар Конституцияда назарда тутилган.)

| | |
| --- | --- |
| *(86–IV)* Сенаторлар умумий сонининг ⅔ **қисмидан кўпроғининг овози билан** қабул қилинади: Сенат Раисини муддатидан илгари чақириб олиш. | *(85–III)* Депутатлар умумий сонининг ⅔ **қисмидан кўпроғининг овози билан** қабул қилинади: палата Спикерини муддатидан илгари чақириб олиш. |

# Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари

Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари

**(87-I)**
**Қонунчилик палатаси қўмиталари**

Депутатлар орасидан сайланади

Ваколат муддати: 5 й.

**(87-II)**
**Сенат қўмиталари**

Сенаторлар орасидан сайланади

Ваколат муддати: 5 й.

## ҚЎМИТАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Қонунчилик палатаси қўмиталари:

- Палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш.
- ЎзР қонунларининг ижросини назорат қилиш.
- Палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш.
- Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш.

Сенат қўмиталари:

- Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш.
- ЎзР қонунларининг ижросини назорат қилиш.
- Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш.

## Олий Мажлис палаталарининг комиссиялари



# Президент қасамёди

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЁДИ

*«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолот беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан». (92)*

**Олий Мажлис**

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ** — **СЕНАТ**

*(81–IX)* ҚЎШМА МАЖЛИСЛАР ЎТКАЗИШ:

1) *81–IX, 92: Президент қасамёд қилганда.*

2) *81–IX, 93–I,7):* Президент мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда.

3) *81–IX:* Чет давлатларининг раҳбарлари нутқ сўзлаганда.

4) *81–IX:* Палаталар келишувига биноан бошқа масалалар юзасидан.

5) *98-XII:* Бош вазир ва Олий Мажлиснинг ҚП ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда ҚП депутатлари умумий сонининг камида ¼ қисми томонидан ЎзР Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилганда.

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб Президент ўз лавозимига киришган ҳисобланади. *(92)*

# Президент ваколатлари

*93–II: Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.*

**Ўзбекистон Президенти қуйидаги ваколатларга эга:**

– *93–I,1):* Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир.

– *93–I,10), 98–II, 78–I,15):* Олий Мажлисга Бош вазир номзодини тақдим этиш ва лавозимдан озод қилиш.

(Бу масала Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.)

– *93–I,11), 98–II:* Бош вазир тақдимига биноан ВМ аъзоларини тасдиқлаш ва лавозимларидан озод қилиш.

– *93–I,17):* Қонунларни имзолаш ва эълон қилиш.

*84–VIII:* Президент қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

– *93–I,2):* ЎзР суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш.

– *93–I,3):* Мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон номидан иш кўриш.

*10–I:* Ўзбекистон халқи номидан фақат Президент (ва Олий Мажлис) иш олиб бориши мумкин.

– *93–I,4):* Музокаралар олиб бориш ҳамда ЎзРнинг шартнома ва битимларини имзолаш, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш.

– *93–I,5):* Ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилиш.

– *93–I,6):* ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Сенатга тақдим этиш. *80–8)*

– *93–I,7):* Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш.

*81–IX:* Бунда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисга йиғиладилар.

– *93–I,8):* республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш *78–I.13)*, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритиш.

– *93–I,9):* Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Сенатга тақдим этиш. *86–I*

– *93–I,12):* Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод қилиш, кейинчалик бу масалаларни Сенат тасдиғига киритиш. *80–6)*

– *93 – I,13):* Сенатга Конституциявий суд раиси ва судьялари *80–1)*, Олий суд раиси ва судьялари *80–3)*, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари *80–4)*, МБ бошқарувининг раиси *80–9)*, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси *80–5)* лавозимларига номзодларни тақдим этиш.

– *93–I,14), 107–I:* Вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш.

– *93–I,15):* Бош вазирнинг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш *(102–II)*. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

– *93–I.16):* Республика давлат бошқаруви органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш, бекор қилиш. Президент ВМ мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

– *93–I,18):* ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш ва қабул қилган қарорини */78–I,18): фармонини/* 3 кун ичида Олий Мажлис палаталарининг тасдиғига киритиш.

– *93–I, 19):* Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, ЎзРнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш ва қабул қилган қарорини */78–I,19): фармонини/* 3 кун ичида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритиш. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

– *93–I,20):* ҚКнинг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, ҚКнинг олий қўмондонларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш, олий ҳарбий унвонлар бериш.

– *93–I,21):* ЎзРнинг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлаш, ЎзРнинг малакавий ва фахрий унвонларини бериш.

– *93–I,22):* ЎзРнинг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этиш.

– *93–I,23):* Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Сенатга тақдимнома киритиш *80–10)* ва ЎзРнинг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш.

– *93–I,24):* МХХни тузиш. МХХ раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, кейинчалик бу масалаларга доир фармонларни Сенат тасдиғига *80–7)* киритиш.

– *93–I,25):* Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.


Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси номзоди тақдими, тасдиқлаш
Олий хўжалик суди раиси ва судьялари номзоди тақдими, тасдиқлаш
Олий суд раиси ва судьялари номзоди тақдими, тасдиқлаш
Конституциявий суд раиси ва судьялари номзоди тақдими, тасдиқлаш
Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш, лавозимидан озод этиш, тасдиқлаш
Давлат бюджетини қабул қилиш
Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони
Хукумат аъзоларини Бош вазир тақдимига кўра тасдиқлаш
ХУКУМАТ
Бош вазир номзоди тақдими, тасдиқлаш
Сенат
ОЛИЙ МАЖЛИС
Қонунчилик палатаси
Маҳаллий Кенгашлар
ПРЕЗИДЕНТ
ХАЛҚ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БИРДАН-БИР МАНБАИДИР.

# Халқ – давлат ҳокимиятининг манбаи



## Парламентни тарқатиб юбориш

Қуйидаги ҳолларда парламентни тарқатиб юбориш мумкин *(95-I)*:

1. Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда;
2. Палаталар бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда;
3. Икки палата ўртасида Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда.

***Истисно:***

*(95 III)* Фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.



# Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

**П Р Е З И Д Е Н Т**

| | | |
|---|---|---|
| Давлат бошлиғи *(89)* | Давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ва ҳамкорлигини таъминлайди. *(89)* | *93–I.20):* Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони |

ПРЕЗИДЕНТ
чиқарадиган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
*(94)*

*(94)* Республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга:

| | | |
|---|---|---|
| **ФАРМОН** *(94)* | **ҚАРОР** *(94)* | **ФАРМОЙИШ** *(94)* |

Ижросини Вазирлар Маҳкамаси таъминлайди.
*(98–II)*

## Сайлов тизими

**САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ**
Ўтказиш тартиби /*(90–II) Президентни сайлаш тартиби ҳам/* қонун билан белгиланади. *(117–VI)*

**Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.** *(90–II, 117–II)*

- Умумий сайлов ҳуқуқи *(90–II, 117–II)*
- Тенг сайлов ҳуқуқи *(90–II, 117–I.II)*
- Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи *(90–II, 117–II)*

*(117–II)* **Сайлов куни:**
Тегишли органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи 10 кунлигининг биринчи якшанбасида:

- ЎзР Президенти сайлови;
- ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайлов;
- вилоят давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлов;
- туман давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлов;
- шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлов.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ**
**номидан иш олиб бориши мумкин:**
*(10–I)*

- **ОЛИЙ МАЖЛИС**
- **ПРЕЗИДЕНТ** *93–I,3)*

*(77, 90)*
Халқ томонидан сайланади.
(Шунинг учун улар халқ номидан иш олиб бориши мумкин.)

# Сайлов ҳуқуқи

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

- Умумий сайлов ҳуқуқи
- Тенг сайлов ҳуқуқи
- Тўғридан-тўғри (бевосита) сайлов ҳуқуқи
- Яширин овоз бериш ҳуқуқи
- Эркин сайлов ҳуқуқи

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

### Актив сайлов ҳуқуқи

Сайловда кўрсатилган номзодни сайлаш ҳуқуқи (сайлаш ҳуқуқи):

- **18 ёшга тўлган фуқаро** сайлаш ҳуқуқига эга.

### Пассив сайлов ҳуқуқи

Сайловда ЎзР фуқаросининг ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқи (сайланиш ҳуқуқи):

- **21 ёшдан** — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига сайланиш.
- **25 ёшдан** — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига сайланиш (бевосита сайловгача камида 5 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаганлик).
- **35 ёшдан** — Президент лавозимига сайланиш (бевосита сайловгача камида 10 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаганлик, давлат тилини яхши билиш).

## Депутат, сенатор ва Президент: номзодларга қўйиладиган талаблар

| | ДЕПУТАТ | СЕНАТОР | ПРЕЗИДЕНТ |
|---|---|---|---|
| **Дахлсизлик ҳуқуқи** | *(88–III)* Дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. | | *(91–II)* Шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади. |
| | *(88–III)* ҚПнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас | *(88–III)* Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас | |
| **Бошқа турдаги фаолият билан шуғулланмаслик** | *(88–II)* Депутат ўз ваколати даврида ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. <u>*Истисно:*</u> Илмий ва педагогик фаолият. | *(88–II)* Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколати даврида ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. <u>*Истисно:*</u> Илмий ва педагогик фаолият | *(91–I)* **Ўз вазифасини бажариб турган даврда мумкин эмас:** <br>▪ бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаш; <br>▪ вакиллик органининг депутати бўлиш; <br>▪ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш. |
| **Номзодларга қўйиладиган талаблар** | *(77–IV)* Сайлов куни **25 ёш**га тўлган бўлиши. | | *(90–I)* **35 ёш**дан кичик бўлмаслиги. |
| | *(77–IV)* **Камида 5 йил** Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши | | *(90–I)* Бевосита сайловгача **камида 10 йил** Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши. |
| | | | *(90–I)* **Давлат тилини** яхши билиши. |
| **Сайланиш (тайинланиш) муддати** | *(76–III)* **5 йил.** /*(88–I)* Уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади./ | | *(90–II)* **5 йил.** |
| | *(77–V)* Айни бир шахс **бир вақтнинг ўзида депутат ва сенатор** бўлиши мумкин эмас. | | Айни бир шахс **сурункасига икки муддатдан ортиқ** Президент бўлиши мумкин эмас. *(90–I)* |

## Президент вазифасини бажарувчини сайлаш

**Президент вазифасини вақтинча бажарувчини сайлаш тартиби**
**(2011 йилнинг 19 апрелига қадар ўрнатилган конституциявий тартиб)**



**Президент вазифасини вақтинча бажарувчи**
**(2011 йилнинг 19 апрелидан кейинги амалдаги конституциявий тартиб)**
*(янги 96-модда асосида)*




| | 2011 йилнинг 19 апрелигача | 2011 йилнинг 19 апрелидан эътиборан |
|---|---|---|
| *(96)* | "ЎзРнинг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги ЎзР Олий Мажлисининг палаталари қўшма карорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда 10 кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавкулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан 3 ойгача бўлган муддатга ЎзР Президенти вазифасини вактинча бажарувчи сайланади. Бу холда 3 ой муддат ичида ЎзР Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт". | "ЎзРнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча ЎзР Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда 3 ой муддат ичида "ЎзР Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлик мувофиқ холда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади". |

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
*(98–I: ижро этувчи ҳокимият)*

*(98–II)* Иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

*(98–III)* Қарорлар ва фармойишлар чиқаради.
(Ўзбекистоннинг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.)

*(98–I)*
### Вазирлар Маҳкамасининг таркиби

| *(98–I)* **Бош вазир** | *(98–I)* **Бош вазирнинг ўринбосарлари** | *(98–I)* **Вазирлар** | *(98–I)* **Давлат қўмиталарининг раислари** | *(98–I)* **ҚорР ҳукуматининг бошлиғи** (Ўз лавозими бўйича киради.) |
|---|---|---|---|---|

| *(98–IV)* Ваколатлари: | *98–XI, 93–I.11)* |
|---|---|
| ▪ ВМ фаолиятини ташкил этиш;<br>▪ ВМга раҳбарлик қилиш;<br>▪ ВМнинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар;<br>▪ ВМнинг мажлисларига раислик қилиш; *93-I.16)*: Президент ВМ мажлисларида раислик қилишга ҳақли.<br>▪ ВМнинг қарорларини имзолаш;<br>▪ халқаро муносабатларда ВМ номидан иш кўриш (Президент топшириғига биноан);<br>▪ қонунларда, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажариш. | ▪ Бош вазир тақдимига биноан<br>▪ Президент томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод қилинади. |

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

Фаолиятини ташкил этиш ва ваколат доираси қонун билан белгиланади *(98–VII)*

*(98–V)* **Ўз фаолиятида ушбулар олдида жавобгар:**

**ПРЕЗИДЕНТ**

**ОЛИЙ МАЖЛИС**

*(98–VI)* **Вазирлар Маҳкамаси** янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

**Бош вазирни сайлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг таркибини шакллантириш**
(2011 йилнинг 19 апрелигача бўлган конституциявий тартиб бўйича)



## Бош вазир номзодини тақдим этиш ва тасдиқлаш (биринчи ҳолат)




*Эслатмалар:*
1. Чап томондан пастдан юқорига қараб кўрсаткич (стрелка) бўйича ўқинг.
2. Ҳуқуқий нормани яққолроқ тушунтириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги 150 та ўриннинг шартли равишда белгиланган сиёсий партиялар бўйича тақсимоти фаразан олинди.

# Бош вазир номзодини тақдим этиш ва тасдиқлаш (иккинчи ҳолат)




*Эслатмалар:*
1. Чап томондан пастдан юқорига қараб кўрсаткич (стрелка) бўйича ўқинг.
2. Ҳуқуқий нормани яққолроқ тушунтириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги 150 та ўриннинг шартли равишда белгиланган сиёсий партиялар бўйича тақсимоти фаразан олинди.

## Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш



## Вазирлар Маҳкамаси истеъфога чиққанидан сўнг...



# Маҳаллий давлат ҳокимияти

***(100) Ваколатлари:***

- Қонунийликни таъминлаш.
- Ҳуқуқий тартиботни таъминлаш.
- Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш.
- Ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш.
- Ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш.
- Ҳудудларни маданий ривожлантириш.
- Маҳаллий бюджетни шакллантириш.
- Маҳаллий бюджетни ижро этиш.
- Маҳаллий солиқларни белгилаш.
- Маҳаллий йиғимларни белгилаш.
- Бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш.
- Маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш.
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.
- Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш.
- Норматив ҳужжатларни қабул қилиш.
- Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

*101–I:*

- ЎзР қонунларини амалга ошириш.
- Президент фармонларини амалга ошириш.
- Давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга ошириш.

*101–II:* Юқори органларнинг қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

- Республика аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш.
- Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш.

*102–I:* Ҳокимлар [*101–III:* ваколат муддати – 5 йил] тегишли вакиллик [яъни халқ депутатлари Кенгаши; *101–III:* ваколат муддати – 5 йил] ва ижроия ҳокимиятни бошқарадилар. *99:* Туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокими ва шаҳар таркибидаги туман ҳокими фақат тегишли ижроия ҳокимиятни бошқаради.

| | **Ким томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади?** | **Ким томонидан тасдиқланади?** |
|---|---|---|
| **Вилоят ҳокими** *(102–II)* | ЎзР Президенти *(102-II)* | |
| **Тошкент шаҳар ҳокими** *(102–II)* | | |
| **Туман ҳокими** *(102–III)* | Тегишли вилоят ҳокими *(102–III)* | Халқ депутатлари туман Кенгаши *(102–III)* |
| **Шаҳар ҳокими** *(102–III)* | | *(102–III, IV)* Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши. *99:* Халқ депутатлари шаҳар таркибидаги туман Кенгаши мавжуд эмас. |
| **Шаҳар таркибидаги туман ҳокими** *(102–IV)* | Тегишли шаҳар ҳокими *(102–IV)* | |
| **Туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокими** *(102–V)* | Туман ҳокими *(102–V)* | *(102–V)* Халқ депутатлари туман Кенгаши. *99:* Халқ депутатлари туманга бўйсунадиган шаҳар Кенгаши мавжуд эмас. |

# Маҳаллий ижроия ҳокимият раҳбарлари

| **Маҳаллий ижроия ҳокимият раҳбарлари** | **Ҳокимлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади.** |
| --- | --- |
| *(103–I) Ҳокимлар ўз ваколатларини* ***яккабошчилик*** *асосида амалга оширадилар.* | |
| **Вилоят ҳокими** | |
| **Тошкент шаҳар ҳокими** | |
| **Туман ҳокими** | *(102–III)* Халқ депутатлари туман Кенгаши |
| **Шаҳар ҳокими** | *(102–III, IV)* Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши *(99)* Халқ депутатлари шаҳар таркибидаги туман Кенгаши мавжуд эмас. |
| **Шаҳар таркибидаги туман ҳокими** | |
| **Туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокими** | *(102–V)* Халқ депутатлари туман Кенгаши *(99)* Халқ депутатлари туманга бўйсунадиган шаҳар Кенгаши мавжуд эмас. |
| *(103–II)* Ҳокимларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва ваколат доираси қонун билан белгиланади. | *(103–II)* Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, ваколат доираси ва сайлаш тартиби қонун билан белгиланади. |
| *(103–I)* Ҳокимлар ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун **шахсан жавобгардирлар**. | |
| *(104)* Ҳоким ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан **қарор** қабул қилади (қарорларнинг тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир). | |
| | *(99)* Халқ депутатлари Кенгашлари – **ҳокимиятнинг вакиллик органларидир**. Уларга ҳокимлар бошчилик қиладилар. Улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. |
| | *(34–II)* Ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. |

# Ўзини ўзи бошқариш органи



# Суд ҳокимияти

| |
|---|
| *(106)* Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади |
| *(107–II)* Судларни [шунингдек Конституциявий судни *(109–III)*] ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади |
| *(107–III)* Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди |
| *(113)* Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади (қонунда белгиланган ҳоллардагина ишлар ёпиқ мажлисда тингланади) |
| *(114)* Чиқарган ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир |
| *(115)* Суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади |

**Судьялар...**

- ... мустақилдир (фақат Конституция ва қонунларга бўйсунади), судьяларнинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш жавобгарликка сабаб бўлади. *(112–I, 108–VI)*
- Судьяларнинг фаолияти – одил судловни амалга ошириш. *(112–I)*
- ... дахлсиздир (бу қонун билан кафолатланади). *(112–II, 108–V)*
- ... сенатор бўлиши мумкин эмас. *(112–III)*
- ... давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. *(112–III, 108–III)*
- ... сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. *(112–IV, 108–IV)*
- ... сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши мумкин эмас. *(112–IV, 108–IV)*
- ... ҳақ тўланадиган бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас (илмий ва педагогик фаолият бундан мустасно). *(112–IV, 108–IV)*
- Ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин. *(112–V)*

| **Конституциявий суд** | **Олий суд** | **Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари** |
|---|---|---|
| *108–I:* Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. | *110–I:* Фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. | *111* Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ўз ваколатлари доирасида ҳал этади. |
| *109–II:* Қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас. | *110–II:* Ҳужжатлари қатъий ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. | |
| *108–II:* **<u>Таркиби</u>** (сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан сайланади; таркибида ҚорРнинг вакили ҳам бўлади):<br>1. Суд раиси;<br>2. Раис ўринбосари;<br>3. Судьялар. | *110–III:* **<u>Ҳуқуқи:</u>** ҚорР олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш. | |

## Суд тизими ҳокимиятлар бўлинишида



# Ўзбекистон Республикасининг суд тизими



– *109–I.1):* Ўзбекистон қонунларининг **Конституцияга мослигини аниқлаш**.

*(16–II)* Бирорта ҳам қонун Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

– *109–I.1):* Олий Мажлис палаталари қарорларининг **Конституцияга мослигини аниқлаш**.

*(16–II)* Бирорта ҳам қонун Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

– *109–I.1):* Президент фармонларининг **Конституцияга мослигини аниқлаш**.

*(16–II)* Бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

– *109–I.1):* Ҳукумат қарорларининг **Конституцияга мослигини аниқлаш**.

*(16–II)* Бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

– *109–I.1):* маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг **Конституцияга мослигини аниқлаш**.

*(16–II)* Бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

– *109–I.1):* Ўзбекистоннинг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг **Конституцияга мослигини аниқлаш**.

*(16–II)* Бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

– *109–I.2):* ҚорР Конституцияси **Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш**.

*(71–II)* ҚорР Конституцияси Ўзбекистон Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

– *109–I.2):* ҚорР қонунлари **Ўзбекистон қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш**.

*(16–II)* Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

– *109–I.3):* **Конституция ва қонунлар нормаларига шарҳ бериш**.

– *109–I.4):* Конституция ва қонунлар билан берилган ваколат доирасида **бошқа ишларни кўриш**.

# Адвокатура

(116-II)
У фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

**АДВОКАТУРА** — ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура ЎзР Конституциясига мувофиқ ЎзР фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.



**ПРОКУРАТУРА**

*120–III:* Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

*118:*
Қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилади.

*118:*
Қонунларнинг бир хилда бажарилиши устидан назорат қилади.

*119–I:* Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими

*119–I:*
Тизим бошлиғи

| | Ким тайинлайди? | Ваколат муддати | |
|---|---|---|---|
| **Бош прокурор** | *93–I,12), 80–6):* Президент (Фармонни Сенат тасдиқлайди.) | *119–IV:* 5 йил | *120–II:* Ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар. |
| **Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори** | *119–II:* Қорақалпоғистон Республикаси олий вакиллик органи (Бош прокурор билан келишилади.) | | |
| **Вилоят прокурори** | *119–III:* Бош прокурор | | |
| **Туман прокурори** | | | |
| **Шаҳар прокурори** | | | |

*120–I:* Прокуратура органлари ўз ваколатларини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

— ЎзР ўз **молия ва пул-кредит тизимига** эга *(122–I)*
— Республика банк тизимини **Марказий банк** бошқаради. *(124)*

| Президент<br>**ВАКОЛАТИ:** |
|---|
| *93–I,13), 80–9):* Сенатга МБ бошқарувининг раиси лавозимига номзодни тақдим этиш. |
| **ЎзР Олий Мажлиси Сенатининг**<br>**МУТЛАҚ ВАКОЛАТИ:** |
| *80–12):* МБ бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш. |

| *(78)* ЎзР Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг<br>**БИРГАЛИКДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ:** |
|---|
| *(78–II) Масалаларни кўриб чиқиш:*<br>Қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади. |
| *78–I,7):* Бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш. |
| ***Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан:*** |
| *78–I,8):* Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш. |



## Мудофаа ва хавфсизлик

**Давлат чегараси ва худуди** *3–II:* дахлсиз ва бўлинмас.
→ *125–I:* Давлат суверенитети ва худудий яхлитлигини, ахолининг тинч хаёти ва хавфсизлигини химоя қилиш учун **Қуролли Кучлар** тузилади ва улар *126:* ЎзР хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражададир.
*125–II:* Тузилиши ва ташкил этилиши қонун билан белгиланади.

**Олий Мажлис**

↓ **СЕНАТ** ↓ **ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ**

## *(78)* БИРГАЛИКДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ:

*(78–II) Масалаларни кўриб чиқиш:*
Қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

***Президент фармонларини тасдиқлаш:***

*78–I,18):*
ЎзРга хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш холати эълон қилиш тўғрисидаги фармонлар.

*78–I,19):*
Умумий ва қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда холат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонлар.

## Президент ваколатлари

***93–II. Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга хақли эмас.***

– *93–I,2):* ЎзР суверенитети, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини мухофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш.

– *93–I,18):* ЎзРга хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш холати эълон қилиш ва қабул қилган қарорини *(78–I,18): фармонини* 3 кун ичида Олий Мажлис палаталарининг тасдиғига киритиш.

– *93–I,20):* ҚКнинг Олий Бош қўмондони хисобланади, ҚКнинг олий қўмондонларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш, олий харбий унвонлар бериш.

## Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби

*Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари*
(Субъектлар Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Олий Мажлисга таклиф киритадилар.)

↓

**Олий Мажлис**
*78-I.1):* Қонунчилик палатаси ва Сенат биргаликда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

*(127)* 2 усулда ўзгартириш киритиш мумкин:

### *(127)* РЕФЕРЕНДУМ

*(9)* Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

*78-I.3):* Қонунчилик палатаси ва Сенат биргаликда ЎзРнинг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш ваколатига эга.

*(128)* Олий Мажлис таклиф киритилгандан кейин 6 ой мобайнида Конституцияга ўзгартириш ва тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин.

*(128)* Агар Олий Мажлис таклифни рад этса (референдумда халқ бу таклифни маъқулламаса), бу таклиф бир йил ўтгандан сўнг қайта киритилиши мумкин.

### *(127)* ҚОНУН

*(127)* Ҳар бир палата аъзолари умумий сонининг камида ⅔ қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун асосида Конституцияга ўзгартириш киритиш мумкин.

*(128)* Агар Олий Мажлис таклифни рад этса (палаталар томонидан қонун қабул қилинмаса), бу таклиф бир йил ўтгандан сўнг қайта киритилиши мумкин.

## Ўзбекистон Конституцияси бўйича тест саволлари

1. **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинган?**
   А. 06.12.1992 й.
   Б. 07.12.1992 й.
   В. 08.12.1992 й.
   Г. 09.12.1992 й.
2. **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қандай тузилишга эга?**
   А. Муқаддима, 3 та бўлим, 25 та боб, 126 та модда.
   Б. Муқаддима, 6 та бўлим, 26 та боб, 128 та модда.
   В. Муқаддима, 5 та бўлим, 27 та боб, 130 та модда.
   Г. Муқаддима, 4 та бўлим, 28 та боб, 129 та модда.
3. **Ўзбекистоннинг пойтахти қайси шаҳар?**
   А. Самарқанд.
   Б. Бухоро.
   В. Навоий.
   Г. Тошкент.
4. **Ўзбекистоннинг давлат тили қайси тил?**
   А. Рус ва ўзбек тиллари.
   Б. Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари.
   В. Ўзбек тили.
   Г. Рус тили.
5. **Ўзбекистон Республикаси қачон БМТ аъзолигига қабул қилинган?**
   А. 02.03.1992 й.
   Б. 12.10.1995 й.
   В. 03.05.1992 й.
   Г. 01.06.1993 й.
6. **Ўзбекистон Президентининг ваколат муддати неча йил?**
   А. 5 йил.
   Б. 6 йил.
   В. 7 йил.
   Г. 8 йил.
7. **Фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги суд ҳокимиятининг олий органи нима деб аталади?**
   А. Олий хўжалик суди.
   Б. Олий суд.
   В. Конституциявий суд.
   Г. Олий ҳакамлар суди.
8. **Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилиш тўғрисидаги Олий Кенгаш қарори қачон қабул қилинди?**
   А. 30.08.1991 й.
   Б. 31.08.1991 й.
   В. 01.09.1991 й.
   Г. 02.09.1991 й.
9. **Ўзбекистон Республикаси парламенти нима деб аталади?**
   А. Сенат.
   Б. Қонунчилик палатаси.
   В. Олий Кенгаш.

**Г.** Олий Мажлис.

**10. Давлатимизнинг номи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

**А.** «Ўзбекистон» ёки «Ўзбекистон Республикаси».

**Б.** «Марказий Осиё».

**В.** «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон».

**Г.** «Туркистон».

**11. Қандай вақтда парламентни тарқатиб юбориш мумкин эмас?**

**А.** Вазирлар Маҳкамасининг розилиги бўлмаса.

**Б.** Фавқулодда ҳолат жорий этилган вақтда.

**В.** Бош прокурор розилик бермаса.

**Г.** Исталган вақтда тарқатиб юбориш мумкин.

**12. Сайловларда иштирок этиш учун фуқаро неча ёшга тўлган бўлиши лозим?**

**А.** 17 ёшга.

**Б.** 18 ёшга.

**В.** 20 ёшга.

**Г.** 25 ёшга.

**13. Ўзбекистон Республикасининг парламенти неча палатадан иборат?**

**А.** Бир палатадан (Олий Мажлис).

**Б.** Икки палатадан (Қонунчилик палатаси ва Сенат).

**В.** Парламент палатали бўлиши мумкин эмас.

**Г.** Қўшма мажлис вақтида бир палатали, алоҳида мажлислар ўтказилганда икки палатали.

**14. Қонунчилик палатасининг мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари иштирок этишга ҳақлими?**

**А.** Йўқ, ҳақли эмас.

**Б.** Ҳа, ҳақли.

**В.** Агар таклиф этишган бўлса, иштирок этишга ҳақли.

**Г.** Агар Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси депутат бўлса, иштирок этишга ҳақли.

**15. Ўзбекистон Президенти қачон ўз лавозимига киришган ҳисобланади?**

**А.** Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қасамёд қабул қилган вақтдан эътиборан.

**Б.** Халқ томонидан сайланган вақтдан эътиборан.

**В.** Президентликка сайловлар бўлиб ўтгандан сўнг биринчи қонун чиққан кундан эътиборан.

**Г.** Президентликка сайловлар бўлиб ўтгандан сўнг Президент девони томонидан расмий маълумот эълон қилинган кундан эътиборан.

**16. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ким?**

**А.** Мудофаа вазири.

**Б.** Миллий хавфсизлик хизмати бошлиғи.

**В.** Президент.

**Г.** Ички ишлар вазири.

**17. Қонунчилик палатаси неча депутатдан иборат?**

**А.** 120.

**Б.** 130.

**В.** 150.

**Г.** 200.

**18. Ўзбекистон Президенти ўз лавозимига киришиш олдидан ...**

**А.** ... парламент палаталарининг қўшма мажлисида қасамёд қабул қилади.

**Б.** ... Олий суд олдида қасамёд қабул қилади.

**В.** ... Бош прокурор олдида қасамёд қабул қилади.

**Г.** ... хорижлик дипломатлар олдида қасамёд қабул қилади.

**19. ЎзР Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг нечтаси Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади?**

А. 20 таси.
Б. 16 таси.
В. 32 таси.
Г. 24 таси.

**20. Олий Мажлиснинг Сенати томонидан маъқулланган қонун неча кун ичида Ўзбекистон Президентига жўнатилиши лозим?**

А. 5 кун.
Б. 10 кун.
В. 15 кун.
Г. 20 кун.

**21. Ким солиқлар жорий қилишга ҳақли?**

А. Президент.
Б. Олий Мажлис.
В. Бош прокурор.
Г. Ҳокимлар.

**22. Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати нима деб аталади?**

А. Олий Мажлис.
Б. Олий Кенгаш.
В. Вазирлар Кенгаши.
Г. Вазирлар Маҳкамаси.

**23. Парламентнинг палатаси тарқатиб юборилганидан сўнг янги сайлов қанча вақт ичида ўтказилади?**

А. 1 ой мобайнида.
Б. 3 ой мобайнида.
В. 4 ой мобайнида.
Г. 6 ой мобайнида.

**24. Ўзбекистоннинг ижро этувчи ҳокимияти бошлиғи ким?**

А. Бош вазир.
Б. Президент.
В. Бош прокурор.
Г. Тошкент шаҳар ҳокими.

**25. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун неча кун ичида Сенатга жўнатилиши лозим?**

А. 5 кун.
Б. 10 кун.
В. 15 кун.
Г. 20 кун.

**26. Шаҳар таркибидаги туман ҳокими ким томонидан тайинланади?**

А. Тегишли шаҳар ҳокими томонидан.
Б. Вилоят ҳокими томонидан.
В. Президент томонидан.
Г. Олий Мажлис томонидан.

**27. Ўзбекистон халқи номидан кимлар иш олиб бориши мумкин?**

А. Президент ва дипломатлар.
Б. Депутатлар ва судьялар.
В. Президент ва Олий Мажлис.
Г. Конституциявий суд раиси ва сенаторлар.

**28. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида кимнинг олдида жавобгар?**

А. Халқ ва фуқаролар.
Б. Президент ва Олий Мажлис.

**В.** Президент ва Олий суд раиси.
**Г.** Олий Мажлис ва дипломатлар.

**29. Прокурорларнинг ваколат муддати неча йил?**
**А.** 4 йил.
**Б.** 10 йил.
**В.** 7 йил.
**Г.** 5 йил.

**30. Ким парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга?**
**А.** Конституциявий суд билан маслаҳатлашган ҳолда Президент.
**Б.** Бош прокурор.
**В.** Олий суд.
**Г.** Вазирлар Маҳкамаси.

**31. Қорақалпоғистон Республикасининг ўз Конституцияси мавжудми?**
**А.** Йўқ, ўз Конституциясига эга бўлиши мумкин эмас.
**Б.** Ҳа, Қорақалпоғистон ўз Конституциясига эга.
**В.** Бутун Ўзбекистон ҳудудида фақат ягона Конституция – Ўзбекистон Конституцияси амал қилади.
**Г.** Ҳа, мавжуд, у бутун Ўзбекистон ҳудудида ҳам кучга эга.

**32. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколат муддати неча йил?**
**А.** 4 йил.
**Б.** 6 йил.
**В.** 5 йил.
**Г.** 7 йил.

**33. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият нима деб аталади?**
**А.** Вазирлар Маҳкамаси.
**Б.** Олий Мажлис.
**В.** Президент Девони.
**Г.** Олий суд.

**34. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бошлиғи ким деб аталади?**
**А.** Раис.
**Б.** Бошқарувчи.
**В.** Спикер.
**Г.** Директор.

**35. Агар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўртасида низолар юзага келса, бу низолар қандай ҳал этилади?**
**А.** Хорижлик мутахассислар жалб этилади.
**Б.** Муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.
**В.** Қорақалпоғистоннинг қонун чиқарувчи органи тарқатиб юборилади.
**Г.** Икки ўртада низолар чиқиши мумкин эмас.

**36. Олий Мажлиснинг палаталари қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиши мумкин?**
**А.** Қонун.
**Б.** Қарор.
**В.** Фармон.
**Г.** Фармойиш.

**37. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият нима деб аталади?**
**А.** Вазирлар Маҳкамаси.
**Б.** Қонунчилик палатаси.
**В.** Президент.
**Г.** Олий Мажлис.

**38. Ўзбекистон Президенти қонун лойиҳаси юзасидан ўз эътирозларини билдириб қонунни орқага – Олий Мажлисга қайтаришга ҳақлими?**

**А.** Йўқ, ҳақли эмас. Президент қонунни имзолаши шарт.

**Б.** Агар Олий Мажлис имзолашни қатъий талаб қилса, орқага қайтаришга ҳақли.

**В.** Ҳа, орқага қайтаришга ҳақли.

**Г.** Агар Олий Мажлис қонунни имзоламасдан орқага қайтаришни талаб қилса, қайтаришга ҳақли.

**39. Ўзбекистон Конституциясига кўра, жамиятнинг асосий бўғини нима?**

**А.** Маҳалла.

**Б.** Оила.

**В.** Қишлоқ.

**Г.** Шаҳар.

**40. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қачон қабул қилинган?**

**А.** 18.11.1991 й.

**Б.** 03.06.1992 й.

**В.** 10.12.1992 й.

**Г.** 05.10.1991 й.

**41. Қонунлар қўлланилишининг мажбурий шарти нима?**

**А.** Қонунларни матбуотда эълон қилиш.

**Б.** Қонунларнинг Сенат томонидан маъқулланиши.

**В.** Қонунларнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши.

**Г.** Қонунларни қабул қилишдан олдин кенг муҳокама қилиниши.

**42. Сенат бошлиғи ким деб аталади?**

**А.** Спикер.

**Б.** Раис.

**В.** Директор.

**Г.** Иш юритувчи.

**43. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қачон қабул қилинган?**

**А.** 18.11.1991 й.

**Б.** 03.06.1992 й.

**В.** 05.10.1991 й.

**Г.** 10.12.1992 й.

**44. Халқ депутатлари шаҳар таркибидаги туман Кенгаши мавжудми?**

**А.** Йўқ, мавжуд эмас.

**Б.** Ҳа, мавжуд.

**В.** Лозим деб ҳисобланганда тузилади.

**Г.** Фақат Тошкент шаҳрида мавжуд.

**45. Қорақалпоғистон Республикасининг ўз фуқаролиги мавжудми?**

**А.** Ҳа, мавжуд.

**Б.** Йўқ, мавжуд эмас.

**В.** Ўзбекистонда фақат Ўзбекистон фуқаролиги мавжуд.

**Г.** Қорақалпоғистон ҳудудига кирган ҳар бир шахс Қорақалпоғистон фуқароси ҳисобланади.

**46. Кимлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?**

**А.** Президент, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, прокурорлар.

**Б.** Президент, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳокимлар, Конституциявий суд Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокурор.

**В.** Президент девони, Қорақалпоғистон Республикаси (ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали), Сенат аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Марказий банк бошқарувининг раиси.

**Г.** Президент, Қорақалпоғистон Республикаси (ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали), Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокурор.

**47. Президент ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатларда зиммасига Президентнинг ваколатлари юклатилган шахс қанча вақт ичида Президент вазифасини вақтинча бажариб туради?**

**А.** 1ой.
**Б.** 2 ой.
**В.** 3 ой.
**Г.** 4 ой.

**48. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қачон қабул қилинган?**

**А.** 05.10.1991 й.
**Б.** 02.07.1992 й.
**В.** 18.11.1991 й.
**Г.** 10.12.1992 й.

**49. Халқ депутатлари туманга бўйсунувчи шаҳар Кенгашлари мавжудми?**

**А.** Ҳа, мавжуд.
**Б.** Зарурат бўлганда ташкил этилади.
**В.** Йўқ, мавжуд эмас.
**Г.** Фақат қишлоқ туманларида мавжуд.

**50. Ўзбекистон парламентининг қуйи палатаси нима деб аталади?**

**А.** Сенат.
**Б.** Депутатлар уюшмаси.
**В.** Қонунчилик палатаси.
**Г.** Олий Мажлис.

**51. Фуқаролар йиғинининг раиси (Оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари неча йилга сайланади?**

**А.** 1,5 йилга.
**Б.** 2 йилга.
**В.** 3 йилга.
**Г.** 2,5 йилга.

**52. Ўзбекистоннинг Конституцияси ва қонунлари ...**

**А.** ... барча вилоятлар ва фақат Тошкент шаҳрида кучга эга.
**Б.** ... Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида кучга эга.
**В.** ... фақат Қорақалпоғистонда кучга эга эмас.
**Г.** ... фақат вилоятларда кучга эга.

**53. Президентликка номзод олдига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?**

**А.** 30 ёшдан кичик бўлмаслиги, бевосита сайловгача камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши, ўзбек ва рус тилларини яхши билиши.

**Б.** 35 ёшдан катта бўлмаслиги, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши, қонунларни яхши билиши.

**В.** 35 ёшдан кичик бўлмаслиги, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши, давлат тилини яхши билиши, Ўзбекистон фуқароси бўлиши.

**Г.** 35 ёшдан катта бўлмаслиги, бевосита сайловгача кўпи билан 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши, ўзбек тилини яхши билиши.

**54. Ўзбекистон Президенти айни вақтда депутат бўлиши мумкинми?**

**А.** Ҳа, Президент айни вақтда депутат ҳамдир.
**Б.** Йўқ, Президент депутат бўлиши мумкин эмас.
**В.** Ҳа, бўлиши мумкин, фақат Қонунчилик палатасининг мажлисларида иштирок этаётган вақтда.
**Г.** Йўқ, чунки унинг ўзи депутатларни лавозимга тайинлайди.

**55. Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси нима деб аталади?**

А. Қонунчилик палатаси.
Б. Олий Мажлис.
В. Сенат.
Г. Олий Кенгаш.

**56. Президент қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга?**

А. Фармон, фармойиш ва қарор.
Б. Қонун, фармон ва қарор.
В. Акрим, қонун ва фармойиш.
Г. Фармойиш, ҳукм ва фармон.

**57. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ...**

А. ... қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат.
Б. ... парламент, Президент ва Олий суддан иборат.
В. ... ҳокимиятлар, Олий Мажлис ва Олий хўжалик судидан иборат.
Г. ... судлар, ҳокимиятлар ва Қуролли Кучлардан иборат.

**58. Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ким?**

А. Президент.
Б. Халқ.
В. Депутатлар.
Г. Ҳокимлар.

**59. Қонун лойиҳаси дастлаб Олий Мажлиснинг қайси палатасида кўриб чиқилади?**

А. Сенатда.
Б. Қонунчилик палатасида.
В. Иккала палатанинг қўшма мажлисида бир вақтда.
Г. Исталган палатада.

**60. Ким Қонунчилик палатасининг депутати ёки Сенат аъзоси бўла олади?**

А. Сайлов куни 23 ёшга тўлган ва камида 10 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган ЎзРнинг фуқароси.
Б. Сайлов куни 20 ёшга тўлган ва камида 7 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган ЎзРнинг фуқароси.
В. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ва камида 5 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган ЎзРнинг фуқароси.
Г. Сайлов куни 22 ёшга тўлган ва камида 6 йил ЎзР ҳудудида муқим яшаётган ЎзРнинг фуқароси.

**61. Референдум асосида Конституцияга ўзгартиш киритиш мумкинми?**

А. Йўқ, мумкин эмас.
Б. Ҳа, мумкин.
В. Референдумнинг Конституцияга ҳеч қандай алоқаси йўқ.
Г. Конституцияга ўзгартиришни депутатлар амалга оширадилар.

**62. Истеъфога чиққан Ўзбекистон Президенти қайси лавозимни эгаллайди?**

А. Конституциявий суднинг аъзоси бўлади.
Б. Тошкент шаҳар ҳокими бўлади.
В. Бош вазир бўлади.
Г. Сенат аъзоси бўлади.

**63. Адвокатура нима учун хизмат қилади?**

А. Бузилган қонунни тиклаш учун.
Б. Айбланувчини "айбдор эмас" дейиш учун.
В. Фуқароларга, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун.
Г. Шахснинг ёнида далда бериб туриш учун.

**64. Прокуратура тизимига ким бошчилик қилади?**

А. Бош прокурор.

Б. Бош вазир.
В. Президент.
Г. Адлия вазири.

**65. Олий суд қандай орган?**
А. У низоми энг охирида кўради.
Б. Судлар ичида энг олийсидир.
В. Фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.
Г. Қуйи судларнинг қарорларини бекор қиладиган орган.

**66. Депутат университетда талабаларга дарс бериши ва бунинг учун ҳақ олиши мумкинми?**
А. Йўқ, мумкин эмас.
Б. Ҳа, мумкин.
В. Якшанба кунлари мумкин, чунки у қолган кунлари ишда бўлади.
Г. Дарс бериши мумкин, бироқ бунинг учун ҳақ олиши мумкин эмас.

**67. Сенат қарорларини ким имзолайди?**
А. Президент.
Б. Қонунчилик палатасининг Спикери.
В. Бош вазир.
Г. Сенат Раиси.

**68. Президент "мен Японияга кетаяпман" деб ўз ваколатларини вақтинча бажариб туришни кимга топшириб кетиши мумкин?**
А. Президент ўз ваколатларини бажаришни ҳеч кимга топширишга ҳақли эмас.
Б. Бош прокурорга топшириб кетиши мумкин.
В. Бош вазирга топшириши мумкин.
Г. Қуролли Кучлар олий бош қўмондонига топширади.

**69. Ким Миллий хавфсизлик хизматини тузади?**
А. Бош вазир.
Б. Бош прокурор.
В. Ўзбекистон Президенти.
Г. Ички ишлар вазири.

**70. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатини жиноий жавобгарликка тортиш учун кимнинг розилиги талаб этилади?**
А. Қонунчилик палатасининг розилиги талаб этилади.
Б. Президентнинг розилиги талаб этилади.
В. Бош вазирнинг розилиги талаб этилади.
Г. Сайловчиларнинг розилиги талаб этилади.

**71. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги Конституциянинг нечанчи моддасида белгилаб қўйилган?**
А. 14-моддада.
Б. 25-моддада.
В. 41-моддада.
Г. 52-моддада.

**72. Қонунчилик палатаси қарорларини ким имзолайди?**
А. Президент.
Б. Қонунчилик палатаси Спикери.
В. Қонунчилик палатаси қарор қабул қилиши мумкин эмас.
Г. Исталган депутат.

**73. Қайси орган Қорақалпоғистон Конституциясининг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради?**
А. Бош вазир.
Б. Конституциявий суд.

В. Олий суд.

Г. Бош прокурор.

**74. Ўзбекистоннинг банк тизимини ким бошқаради?**

А. Президент.

Б. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

В. Марказий банк.

Г. Адлия вазири.

**75. Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилмоқчи бўлган шахс кимга мурожаат қилиши керак?**

А. Қаерда яшамоқчи бўлса, ўша жойнинг ҳокимига.

Б. Ўзбекистон фуқароси бўлиш учун шу ерда туғилиш керак.

В. Ўзбекистон Президентига.

Г. Хоҳлаган давлат органига мурожаат қилса бўлади.

**76. Ҳокимларнинг ваколат муддати неча йил?**

А. 2 йил.

Б. 7 йил.

В. Белгиланмаган.

Г. 5 йил.

**77. Ўзбекистон Конституциясига қайси орган шарҳ бериши мумкин?**

А. Президент.

Б. Конституциявий суд.

В. Бош прокурор.

Г. Олий Мажлис.

**78. Марказий сайлов комиссиясини тузиш кимнинг ваколатига киради?**

А. Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатига киради.

Б. Президентнинг ваколатига киради.

В. Бош прокурорнинг ваколатига киради.

Г. Бош вазирнинг ваколатига киради.

**79. Ўзбекистоннинг Қуролли Кучлари нима учун тузилади?**

А. Ўзбекистоннинг хавфсизлигини таъминлаш учун.

Б. Йигитларнинг армияда хизмат қилишларини йўлга қўйиш учун.

В. Қуролли Кучлар – бу том маънода давлатнинг кучи эканлигини кўрсатиш учун.

Г. Конституция бузилишининг олдини олиш учун.

**80. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган XII чақириқ Олий Кенгашнинг XI сессиясида қуйидаги қонунларнинг қайси бири қабул қилинган эди?**

А. Ўзбекистоннинг «Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни.

Б. Ўзбекистоннинг «Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни.

В. Ўзбекистоннинг «Давлат герби тўғрисида»ги Қонуни.

Г. Ўзбекистоннинг «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни.

**81. Ўзбекистоннинг Давлат гербидаги саккиз қиррали бурчак нимани англатади?**

А. Октаэдр.

Б. Мусамман. Ҳаётнинг барча томонларини маълум бир ғоя, куч бирлаштиради деган маъноси бор. Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг қадимий обидаларида ҳамда китоб безатиш санъатида учрайди.

В. Ўзбекистон ер юзининг саккиз бурчагида ҳам машҳур.

Г. Давлат герби тўғрисида Конституцияда 8-модда мавжуд.

**82. Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг ижодкорлари кимлар?**

А. Эркин Воҳидов сўзи ва Турғун Алиматов мусиқаси.

Б. Абдулла Орипов сўзи ва Мутал Бурҳонов мусиқаси.

В. Муҳаммад Юсуф шеъри ва Улуғбек Мусаев мусиқаси.

Г. Усмон Азим шеъри ва халқ мусиқаси.

**83. Конституцияга кўра, Ўзбекистон қандай республика?**

А. Суверен демократик республика.
Б. Жаҳон ҳамжамиятига қўшилган республика.
В. Қозоғистонга қўшни бўлган республика.
Г. Бозор иқтисодиётига асосланган республика.

**84. Конституциянинг қайси моддасида Ўзбекистоннинг пойтахти белгиланган?**
А. 5-моддада.
Б. 8-моддада.
В. 7-моддада.
Г. 6-моддада.

**85. Қуйидаги ҳуқуқий норма Конституциянинг қайси моддасида белгиланган: «Ўзбекистон – суверен демократик республика»?**
А. 1-моддада.
Б. 2-моддада.
В. 3-моддада.
Г. 4-моддада.

**86. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги ЎзРнинг қонуни қачон қабул қилинган?**
А. 21.12.1995 й.
Б. 02.09.1993 й.
В. 21.11.2000 й.
Г. Бундай қонун мавжуд эмас.

**87. Ким ёки нима халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади?**
А. Фуқаролар.
Б. Барча инсонлар.
В. Давлат.
Г. Мутахассислар.

**88. Кимлар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар?**
А. Чет элликлар.
Б. Давлат органлари ва мансабдор шахслар.
В. Хусусий корхоналар.
Г. Солиқларни тўламаган қарздорлар.

**89. Қуйидаги ҳуқуқий норма Конституциянинг қайси моддасида белгиланган: «Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони билдиради»?**
А. 1-моддада.
Б. 3-моддада.
В. 5-моддада.
Г. 7-моддада.

**90. Ўзбекистон ўз давлат рамзларига эгалиги Конституциянинг қайси моддасида белгиланган?**
А. 4-моддада.
Б. 5-моддада.
В. 6-моддада.
Г. 7-моддада.

**91. Ўзбекистонда миллатлараро муомала тили қайси тил?**
А. Фуқаролар ўз хоҳишларига кўра танлайдилар.
Б. Ўзбек тили.
В. Рус тили.
Г. Қорақалпоқ тили.

**92. Конституциянинг «Давлат суверенитети» деб номланган боби нечта моддани ўз ичига қамраб олади?**

А. 5 та.
Б. 8 та.
В. 7 та.
Г. 6 та.

**93. Давлат тили тўғрисидаги ҳуқуқий норма Конституциянинг қайси моддасида белгиланган?**
А. 3-моддада.
Б. 4-моддада.
В. 5-моддада.
Г. 6-моддада.

**94. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ривожланиши учун шароитни ким яратиб беради?**
А. Ўзбекистон.
Б. "Ҳар ким ўз тақдирининг дурадгори".
В. Чет эл элчихоналари.
Г. Ҳеч ким яратиб бермайди.

**95. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас эканлиги Конституциянинг қайси моддасида кўрсатилган?**
А. 2-моддада.
Б. 3-моддада.
В. 4-моддада.
Г. 5-моддада.

**96. Ўзбекистон халқини кимлар ташкил этади?**
А. Ўзбеклар.
Б. Ўзбекистон фуқаролари.
В. ЎзРнинг ўз фуқаролари, чет эл фуқаролари ва́ фуқаролиги бўлмаган шахслар.
Г. Барча инсонлар.

**97. Нима учун Ўзбекистон халқи номидан фақат Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши мумкин?**
А. Чунки уларни халқ сайлаган.
Б. Чунки улар давлат ҳокимиятининг юқори органлари ҳисобланади.
В. Чунки демократик давлатларда ана шундай белгиланган.
Г. Чунки бошқалар иш олиб боришга қодир эмас.

**98. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт нима асосида ривожланади?**
А. Сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида.
Б. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг борлиги асосида.
В. Мукаммал қонунлар яратиш асосида.
Г. Ҳар кимнинг ўз йўлини топиши асосида.

**99. Конституциянинг биринчи бўлими нечта моддадан иборат?**
А. 15 та.
Б. 16 та.
В. 17 та.
Г. 18 та.

**100. Қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин?**
А. Халқ демократик партиясининг мафкураси.
Б. Сиёсий партияларнинг мафкуралари.
В. Ҳеч қайси мафкура.
Г. Энг илғор мафкура.

**101. «Халқ ҳокимиятчилиги» Конституциянинг нечанчи бобида ёритилган?**
А. Биринчи бобида.
Б. Иккинчи бобида.
В. Учинчи бобида.

Г. Тўртинчи бобида.

**102. Узунлиги 250 см га, кенглиги 125 см га тенг. Ҳар бир эни – 40 см га тенг бўлиб, энининг четларидан кенглиги 2,5 см га тенг ҳошия ўтказилган. Гап нима ҳақида бормоқда?**

А. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ҳақида.
Б. Тошкентдаги Ўзбекистон шоҳкўчаси ҳақида.
В. Самарқанддаги Чуқурсой боши берк кўчаси ҳақида.
Г. Гиннеснинг рекордлар китобига кирган белбоғ ҳақида.

**103. Конституциянинг «Халқ ҳокимиятчилиги» боби қайси моддаларни ўз ичига қамраб олади?**

А. 5-моддадан 13-моддагача.
Б. 6-моддадан 14-моддагача.
В. 7-моддадан 14-моддагача.
Г. 8-моддадан 16-моддагача.

**104. Ўзбекистон фуқароси айни вақтда қуйидаги давлатлардан қайси бирининг фуқароси бўлиши мумкин?**

А. Россиянинг
Б. Қозоғистоннинг.
В. Ҳеч қайси давлатнинг.
Г. Қорақалпоғистоннинг

**105. «Ташқи сиёсат» Конституциянинг қайси бобида ёритилган?**

А. Учинчи бобида.
Б. Тўртинчи бобида.
В. Бешинчи бобида.
Г. Олтинчи бобида.

**106. Қуйидаги қонун ҳужжатларидан қайси бири Конституцияга зид келиши мумкин?**

А. Жиноят кодекси.
Б. Оила кодекси.
В. Ҳеч бир қонун ҳужжати.
Г. Қорақалпоғистон Конституцияси.

**107. Конституциянинг биринчи бўлими нечта бобдан иборат?**

А. 3 та.
Б. 4 та.
В. 5 та.
Г. 6 та.

**108. Ўзбекистон фуқароси кўп фуқароликка эга бўлиши мумкинми?**

А. Йўқ.
Б. Ҳа.
В. Хоҳласа бўлиши мумкин.
Г. Ҳа, фақат Қорақалпоғистон фуқаролигига эга бўлади.

**109. Чет элда яшовчи шахс Ўзбекистон фуқаролигига ўтмоқчи бўлса, нима қилиши керак?**

А. Тегишли давлатдаги Ўзбекистон элчихонасига мурожаат қилади.
Б. Ўзбекистондаги қариндош-уруғ ёки танишлари орқали Ўзбекистоннинг ички ишлар идораларига мурожаат қилади.
В. Ўзбекистонга келиб тегишли органларга мурожаат қилади.
Г. Нима қилиш кераклигини сўраши керак.

**110. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш масаласини ким ҳал этади?**

А. Ўзбекистон Президенти (Фармон чиқаради).
Б. Олий Мажлис (қарор чиқаради).
В. Вазирлар Маҳкамаси (қарор чиқаради).

Г. Тегишли давлатдаги Ўзбекистон элчиси (қарор чиқаради).

**111. Актив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқаро неча ёшга тўлган бўлиши лозим?**

А. 35 ёшга.

Б. 21 ёшга.

В. 25 ёшга.

Г. 18 ёшга.

**112. «Конституция» сўзининг луғавий маъноси қандай?**

А. Лотинча «constitutio» сўзидан олинган бўлиб, «ўрнатиш», «белгилаш», «қурилиш» деган маъноларни билдиради.

Б. Грекча «consalti» сўзидан олинган бўлиб, «Бош Қонун» деган маънони билдиради.

В. Русча «конституция» сўзидан олинган бўлиб, «Асосий Қонун» деган маънони билдиради.

Г. Ўзбекча сўз бўлиб, "қонунларнинг қонуни" маъносини беради.

**113. Ўзбекистон фуқаролари бўлган эр ва хотин фуқароликка эга бўлмаган шахсни фарзандликка олди. Фуқароликка эга бўлмаган шахс Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлиши мумкинми?**

А. Ҳа, у Ўзбекистон фуқароси бўлади.

Б. Йўқ, у Ўзбекистон фуқароси бўла олмайди.

В. Фуқароликка эга бўлмаган шахснинг ўзи ҳал қилади.

Г. Қайси давлатда фарзандликка олишларига қараб.

**114. Эр – Ўзбекистон фуқароси. Хотин – фуқаролиги йўқ шахс. Эр-хотин Японияда фарзанд кўришди. Фарзанд қайси давлат фуқароси бўлади?**

А. Ҳеч қайси давлат фуқароси бўлмайди.

Б. Япония фуқароси.

В. Ўзбекистон фуқароси.

Г. Чет эл фуқароси бўлади.

**115. Эр – Ўзбекистон фуқароси, Францияда яшаяпти. Хотин – Франция фуқароси. Эр-хотин Ўзбекистонда фарзанд кўришди. Фарзанд қайси давлат фуқароси бўлади?**

А. Ўзбекистон ва Франциядан бошқа ҳар қандай давлатнинг.

Б. Франция фуқароси.

В. Ота-онанинг хоҳишига кўра белгиланади.

Г. Ўзбекистон фуқароси.

**116. «Ташқи сиёсат» деб номланган боб неча моддадан иборат?**

А. Битта.

Б. Иккита.

В. Учта.

Г. Тўртта.

**117. «Конституция ва қонуннинг устунлиги» қайси бобда ёритилган?**

А. Иккинчи бобда.

Б. Учинчи бобда.

В. Тўртинчи бобда.

Г. Бешинчи бобда.

**118. Фуқаролиги бўлмаган шахс деб кимга айтилади?**

А. Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлмаган шахсга.

Б. Ўзбекистонда турган чет эл фуқаросига.

В. Ўзбекистон фуқаролигига ва бирор давлат фуқаролигига эга бўлмаган шахсга.

Г. Паспортини кўрсатишдан бош тортган шахсга.

**119. Конституциянинг «Асосий принциплар»и қайси бўлимда ёритилган?**

А. Биринчи бўлимда.

Б. Иккинчи бўлимда.
В. Учинчи бўлимда.
Г. Тўртинчи бўлимда.

**120. Ижтимоий фаоллик шаклларини аниқланг.**

А. Маъруза ўқиш, семинарларда қатнашиш ва нутқ сўзлаш.
Б. Ҳашарларда қатнашиш, партия фаолиятида иштирок этиш.
В. Меҳнат қилиш, меҳнат таътилида бўлиш.
Г. Митинглар, йиғилишлар ва намойишлар.

**121. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақлими?**

А. Ҳа, ҳақли.
Б. Агар ваколатга эга бўлса, ҳақли.
В. Йўқ, ҳақли эмас.
Г. Фақат якка аъзоси ҳақли эмас.

**122. Қайси орган Бош прокурорнинг ҳисоботини эшитади?**

А. Ўзбекистон Бош вазири.
Б. Ўзбекистон Президенти.
В. Олий Мажлиснинг қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси.
Г. Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат.

**123. Давлат мукофотларини қайси орган таъсис этади?**

А. Ўзбекистон Президенти.
Б. Олий Мажлис (масалани икки палата биргаликда кўриб чиқади).
В. Ўзбекистон Бош вазири.
Г. Вазирлар Маҳкамаси.

**124. Вилоят судьясини ким тайинлайди?**

А. Ўзбекистон Президенти.
Б. Ўзбекистон Олий суди Раиси.
В. Ўзбекистон Конституциявий суди Раиси.
Г. Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Раиси.

**125. Ким Бош вазир номзодини тақдим этиш ҳуқуқига эга?**

А. Ўзбекистон Президенти.
Б. Амалдаги Бош вазир.
В. Қонунчилик палатасида энг кўп ўринни қўлга киритган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп ўринларни қўлга киритган сиёсий партиялар.
Г. Қонунчилик палатасининг Спикери.

**126. Бош вазир лавозимидан озод этилса, у билан бирга қайси орган истеъфога чиқади?**

А. Ўзбекистон Президенти.
Б. Ўзбекистон Олий Мажлиси.
В. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси.
Г. Ўзбекистон Бош прокурори.

**127. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қайси орган қабул қилади?**

А. Ўзбекистон Президенти.
Б. Ўзбекистон Олий Мажлиси (масалани палаталар биргаликда кўриб чиқади).
В. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси.
Г. Ўзбекистон Молия вазири.

**128. Қайси орган халқаро шартномаларни ратификация қилади?**

А. Ўзбекистон Президенти.
Б. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги.
В. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси.
Г. Ўзбекистон Олий Мажлиси.

## Ўзбекистон Конституцияси бўйича тест саволларининг тўғри жавоблари

| Савол рақами | Тўғри жавоб | Савол рақами | Тўғри жавоб | Савол рақами | Тўғри жавоб | Савол рақами | Тўғри жавоб |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | В | 33 | А | 65 | В | 97 | А |
| 2 | Б | 34 | В | 66 | Б | 98 | А |
| 3 | Г | 35 | Б | 67 | Г | 99 | В |
| 4 | В | 36 | Б | 68 | А | 100 | В |
| 5 | А | 37 | Г | 69 | В | 101 | Б |
| 6 | А | 38 | В | 70 | А | 102 | А |
| 7 | Б | 39 | Б | 71 | В | 103 | В |
| 8 | Б | 40 | А | 72 | Б | 104 | В |
| 9 | Г | 41 | А | 73 | Б | 105 | Б |
| 10 | А | 42 | Б | 74 | В | 106 | В |
| 11 | Б | 43 | Г | 75 | В | 107 | Б |
| 12 | Б | 44 | А | 76 | Г | 108 | А |
| 13 | Б | 45 | А | 77 | Б | 109 | А |
| 14 | Б | 46 | Г | 78 | А | 110 | А |
| 15 | А | 47 | В | 79 | А | 111 | Г |
| 16 | В | 48 | Б | 80 | Г | 112 | А |
| 17 | В | 49 | В | 81 | Б | 113 | А |
| 18 | А | 50 | В | 82 | Б | 114 | В |
| 19 | Б | 51 | Г | 83 | А | 115 | Г |
| 20 | Б | 52 | Б | 84 | Г | 116 | А |
| 21 | Б | 53 | В | 85 | А | 117 | Б |
| 22 | Г | 54 | Б | 86 | Б | 118 | В |
| 23 | Б | 55 | В | 87 | В | 119 | А |
| 24 | А | 56 | А | 88 | Б | 120 | Г |
| 25 | Б | 57 | А | 89 | А | 121 | В |
| 26 | А | 58 | Б | 90 | Б | 122 | Г |
| 27 | В | 59 | Б | 91 | А | 123 | Б |
| 28 | Б | 60 | В | 92 | Г | 124 | А |
| 29 | Г | 61 | Б | 93 | Б | 125 | В |
| 30 | А | 62 | Г | 94 | А | 126 | В |
| 31 | Б | 63 | В | 95 | Б | 127 | Б |
| 32 | В | 64 | А | 96 | Б | 128 | Г |

**АДВОКАТ** (лот. *advocatus* – чақирилган, ёрдамга чақирилган) – олий юридик маълумотга эга бўлган, белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон фуқароси.

**АДВОКАТУРА** (лот. *advoco* – таклиф этаман) – адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олган ҳуқуқий институт. Адвокатура Ўзбекистон фуқароларига, чет эл фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга юридик ёрдам кўрсатади.

**АЙБЛАНУВЧИ** – қонунда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс. Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса маҳкум ёки оқланган деб аталади.

**АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ** – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз деб ҳисобланиши. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

**АККРЕДИТАЦИЯ** (лот. *accredere* – ишонч билдирмоқ; инг. *accreditation*) – дипломатия ва бошқа халқаро муносабатларга татбиқан олганда аккредитация шахснинг бошқа давлатда ёки халқаро ташкилотда муайян давлатнинг вакили этиб тайинланганини билдиради. Тайинлаш жараёни (аккредитация қилиш) бир неча босқични ўз ичига олади: давлатнинг ташқи сиёсий идораси томонидан дипломатик вакил номзодини танлаш; бу номзодни давлатнинг дипломатик вакилни тайинлашга ваколатли органи ёки мансабдор шахсига (ЎзРда – ЎзР Президентига) тавсия этиш (таклим этиш); мазкур орган (мансабдор шахс) томонидан тавсия этилган номзодни парламентнинг тегишли қўмиталари, комиссиялари билан келишиб олиш (ЎзРда Президент ЎзРнинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларини ЎзР Олий Мажлиси Сенатига тақдим этади); қабул қилувчи давлатнинг розилигини олиш; дипломатик вакилни тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатни чиқариш; дипломатик вакил томонидан тегишли давлат бошлиғига ёки халқаро ташкилот раҳбарига ишонч ёрлиғини топшириш.

**АМНИСТИЯ** (юн. *amnestia* – кечириш, авф этиш, гуноҳидан ўтиш) – олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларни жиноий жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарори. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти унда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади. Жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

**АРИЗА** – фуқаролар мурожаатларининг бир тури бўлиб, унда фуқаролар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосини баён этадилар.

**АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР** – инсон ва фуқароларга яшаш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондириши учун имконият берувчи ҳуқуқ ва эркинликлар йиғиндисидир.

**АФВ ЭТИШ** – жазодан озод қилишнинг бир тури. ЎзР Жиноят кодексининг 76-моддасига кўра, маълум бир шахсга содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони қисман ўзгартириш, бошқа жазо билан алмаштириш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин. Афв этиш Президент фармони асосида амалга оширилади.

**АХБОРОТ** – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар. Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ҳар ким ахборот олишни сўраб бевосита ўзи ёхуд қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**БАЙРОҚ** – давлат ёки бирор-бир ташкилотнинг ёғоч даста (ёки арқон)га бириктирилган, кўпинча бирор давлат ёки ташкилот белгиси бўлган бир ёки бир неча рангдаги мато. ЎзРнинг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ЎзР давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи халқаро муносабатларда ЎзРнинг тимсоли бўлади. Ўзбекистоннинг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистоннинг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

**БАНК** – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини (юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланишни, тўловларни амалга оширишни) амалга оширадиган юридик шахсдир. Ўзбекистонда ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

**БАНК ОМОНАТИ (ДЕПОЗИТ)** – талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси. Банк омонати шартномаси бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

**БАНК ТИЗИМИ** – у ёки бу давлатда муайян бир тарихий даврда мавжуд бўлган турли шаклдаги банклар ва банк институтларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуи. Банк тизимларининг ўзига хос хусусияти, банк концентрацияси билан бирга, уларнинг марказий, тижорат, инвестиция, ипотека, жамғарма ва бошқа банк ташкилотлари шаклида кенг ихтисослашувн ҳисобланади. Бир томондан, омонатларни жалб этиш, фойдали ва ишончли мижозлар ҳамда юқори даромад олиш учун банклар ўртасида рақобат юзага келиши, иккинчи томондан, банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни кучайтиришга интилиш мана шундандир.

**БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ** – давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш, барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши, оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланадиган ҳуқуқ. Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистонда халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш

ҳуқуқига эга. Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

**БИТИМ** – фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

**БОЖ** – ЎзРнинг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов. ЎзРда импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, антидемпинг, компенсация) бож қўлланилади. Импорт божи халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади. Импорт ва экспорт божининг ставкалари ЎзР Президентининг қарори билан белгиланади. Мавсумий божлар ЎзР ВМ томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вақтдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас. Алоҳида божларнинг қўлланилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** – эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

**ВАЗИРЛИК** – республиканинг марказий ижро этувчи органи. Давлат бошқарувининг тегишли тармоғига (соҳасига) раҳбарлик қилади, шунингдек қонунда белгиланган доирада тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

**ВАСИЙЛИК** – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга нисбатан белгиланади.

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи. Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди. Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди. Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ЎзР фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР** – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар.

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНИ** – бу ҳокимият органлари тизимининг бир қисми бўлган, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган, бошқарув ҳаракатларининг махсус шакл ва услубларидан фойдаланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, тегишли тузилишга, ваколатларга ва давлат хизматчилари штатларига эга бўлган ташкилотдир.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ** – давлат пул маблагларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**ДАВЛАТ МУКОФОТИ** – «Ўзбекистон Қахрамони» унвони, ЎзРнинг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиғи. ЎзРнинг фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин. Ўзбекистон учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ЎзРнинг давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин. Давлат мукофотлари Олий Мажлис томонидан таъсис этилади. Давлат мукофотлари билан Ўзбекистоннинг Президенти тақдирлайди. Бир шахс айни бир орден, медаль ёки Фахрий ёрлиқ билан, қоида тариқасида, бир марта тақдирланади. Фахрий унвонлар такроран берилмайди. Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари билан тақдирлаш шахснинг вафотидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

**ДАВЛАТ ОРГАНИ** – давлат томонидан ташкил этиладиган, давлат номидан иш кўриб унинг манфаатини қўриқлайдиган тузилма. Давлат бошқарув органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, ўз бурчларини бажариш учун давлат томонидан фармойиш бериш ҳуқуқига эга.

**ДАВЛАТ СИРИ** – бу давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлардир. Давлат сири – ошкор этилиши республика ҳарбий иқтисодий салоҳиятининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар. Давлат сирлари ЎзРнинг мулкидир. ЎзРнинг давлат сирлари – давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини қамраб олади. Махфийлаштирилиши фуқаронинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборот давлат сирларига мансуб деб топилиши мумкин эмас.

**ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ** – давлатнинг бошқа давлатдан, унинг ички ва ташқи ишлари ҳамда ташқи муносабатларида тўла мустақиллиги. Суверенитет давлат ҳокимиятининг муҳим белгиси саналади.

**ДАВЛАТ ТИЛИ** – давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг расман иш юритиш тили, муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимиятлари фаолиятида, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим бериш учун расмий белгиланган тил.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ** – бу ЎзР ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқ ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳ. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш ЎзРнинг халқаро шартномаларига асосан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Давлат чегараси жойларда аниқ кўриниб турадиган чегара белгилари билан кўрсатиб қўйилади. Чегара белгиларининг шакллари, ўлчамлари ва уларни ўрнатиш тартиби қонун ҳужжатлари ҳамда ЎзРнинг халқаро шартномалари билан белгиланади. Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш белгиланган ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.

**ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ** – республиканинг марказий ижро этувчи органи. Давлат бошқарувининг тегишли тармоқларида (соҳаларида) ягона давлат сиёсатини юргизади ва ушбу мақсадда қонунга кўра тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

**ДАВЛАТ ҲЎДУДИ** – қонуний равишда давлат суверенитети остида бўлган ер курраснинг бир қисми. Давлат ҳудуди таркибий қисмларига давлат чегараси доирасида жойлашган қуруқлик, сув, ер ости ва ҳаво кенгликлари киради.

**ДЕМОКРАТИЯ** – конституциявий тузумнинг халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий плюрализм, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги кабилларини эътироф этишга асосланган давлатнинг сиёсий режими.

**ДЕНОНСАЦИЯ** (фр. *denouncer* – бекор қилмоқ) – халқаро шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши. Денонсация шартноманинг ўзига мувофиқ ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормаларига кўра амалга оширилади. Денонсация шартноманинг бузилиши ҳисобланмайди, балки шартноманинг ҳуқуқий бекор қилиниши ҳисобланади.

**ДЕПУТАТ** (лот. *deputatus* – вакил) – қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига сайланган шахс, аҳолининг маълум қисми – ўз сайлов органи сайловчиларининг ёки бутун миллатнинг вакили. Депутат – бу Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайланган ҳамда ЎзР қонунларига мувофиқ тегишли сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон фуқароси. Депутатнинг ваколатлари у тегишинча Олий Мажлисга, Жўқорғи Кенгесга, халқ депутатлари вилоят, туман ёки шаҳар Кенгашига сайланган кундан бошланади. Депутатнинг ваколатлари янги чақириқ Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайланган кунда ёки "Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида" Қонунда назарда тутилган ҳолларда тугайди. Депутатнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас. Депутатлар ўз ваколатларини, қоида тариқасида, ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширадилар. Депутат сайловчилар олдида масъул ва ҳисобдордир. Депутат муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан баён қилган нуқтаи назари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

**ДИНИЙ ТАШКИЛОТ** – фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузиладиган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар).

**ЖАМИЯТ** – тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули. У кишилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг маҳсули, улар ҳаётининг маълум бир ташкилийлиги, моҳият жиҳатидан кишилар ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги турли хил (иқтисодий, оилавий, маънавий, синфий, диний ва бошқа) муносабатлар ва алоқалар йиғиндисидир.

**ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ** – ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

**ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК** – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати.

**ЖИНОЯТ** – ЎзРнинг Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

**ЖИНОЯТЧИЛИК** – маълум бир давлатда муайян давр мобайнида содир этилган барча жиноятларнинг йиғиндиси.

**ИСТЕЪМОЛЧИ** – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс).

**ИШОНЧ ЁРЛИҒИ** – фавқулодда ва мухтор элчи ёки фавқулодда ва мухтор вакил тайинланган мамлакатга жўнаб кетгунига қадар ЎзР ТИВ унга борадиган давлатнинг

раҳбарига топширишн учун берадиган, ЎзР Президенти имзолаган ҳамда ЎзР Ташқи ишлар вазири имзоси билан тасдиқланадиган ҳужжат.

**КАСАБА УЮШМАСИ** – кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради. Барча касаба уюшмалари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

**КОНСТИТУЦИЯ** – мамлакатнинг олий юридик кучга эга бўлган бош қонуни. ЎзР Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган ва ЎзРнинг бутун ҳудудида қўлланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД** – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи. Конституциявий суд Ўзбекистон қонунларининг ва Олий Мажлис палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистоннинг Конституциясига мослигини аниқлайди, Қорақалпоғистоннинг Конституцияси Ўзбекистоннинг Конституциясига, Қорақалпоғистоннинг қонунлари Ўзбекистоннинг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради, Ўзбекистоннинг Конституцияси ва қонунлари билан ўзининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади. Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

**КООПЕРАТИВ ТАШКИЛОТ** – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, жамоа мулки ҳуқуқи асосида ўзига қарашли мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект. Кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборатдир. Ўзбекистонда аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек фойда (даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот кооперативлари амал қилади. Кооперация, шунингдек ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларни,(уй-жой-қуриш уй жой кооперативларини, гараж қуриш, чорбоғ қуриш ва шу каби кооперативларни) ҳам ўз ичига олади.

**МАДАНИЙ МЕРОС** – тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар (моддий маданий мерос); тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар (номоддий маданий мерос).

**МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ** – бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш. ЎзРнинг амалдаги қонунларига кўра, мажбурий меҳнат тақиқланади. Мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайдиган ҳоллар қонунда кўрсатилган.

**МАЖБУРИЯТ** – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар

шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

**МАНСАБДОР ШАХС** – ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ** – давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши вилоят, туман, шаҳар бюджетини ва унинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди. Вилоят, туман, шаҳар бюджети лойиҳаларини тайёрлаш, унинг ижросини ҳоким амалга оширади.

**МИТИНГ** (инг. *meeting*) – бирор-бир муҳим воқеа, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган йиғилиш. Митинг дейилганда, одатда байрамона кайфиятда ёки давлат ҳокимият органларидан норози бўлган маълум бир сиёсий гуруҳнинг ёки оммавий ҳаракат ёхуд ишлаб чиқариш ташкилотларининг шаҳар марказларига чиқиб, ўз талабларини билдириши тушунилади.

**МОЛИЯ ТИЗИМИ** – турли молиявий институтлар мажмуи. ЎзР молия тизими қуйидаги бўғинлардан ташкил топган: а) давлат бюджети, унинг тузилмасига кирувчи республика бюджети, ҚорР бюджети ва маҳаллий бюджетлар; б) давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар; в) хўжалик юритувчи субъектлар ва иқтисодиёт соҳалари молияси: г) кредит (давлат кредити ва банк кредити); д) мулкий ва шахсий суғурта.

**МУЛК** – ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари. Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин. Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

**МУЛКДОР** – мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. Ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидадир.

**МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ДЕБ ТОПИЛГАН ФУҚАРО** – руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ва суд томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро. Бундай фуқарога васийлик белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни уни васийси амалга оширади. Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

**МУХОЛИФАТ** – янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган, ўзларини мухолифат деб эълон қилган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар. Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан

бир қаторда ҳуқуқларга ҳам эга. Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

**МУҚОБИЛ ХИЗМАТ** – фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришнинг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида тури дир. 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга. Муқобил хизматнинг муддати 24 ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойни ташкил этади.

**ОҚСОҚОЛ** – фуқаролар йиғини раиси. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

**ПАРЛАМЕНТ** – ЎзР Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи ЎзРнинг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан — ЎзР Олий Мажлисининг ҚП (қуйи палата)дан ҳамда ЎзР Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади.

**ПРЕЗИДЕНТ** – давлат раҳбари. Бу атама лотинча *praesidens* сўзидан келиб чиққан бўлиб, «олдинда ўтирувчи» деган маънони билдиради. Америка Қўшма Штатлари президентлик лавозимини таъсис этган дунёнинг биринчи мамлакатидир. Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилди. Ўзбекистон Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Президенти 5 йил муддатга сайланади.

**ПРОКУРОР** – ЎзР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ЎзР қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт. Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва ЎзРнинг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

**РАИС** – ЎзРнинг Конституциясида бошлиги раис деб аталадиган қуйидаги лавозимлар тилга олинган: ҚП қўмиталарининг раислари, Сенат Раиси, Сенат қўмиталарининг раислари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, Ҳисоб палатаси раиси, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Марказий банк Бошқарувининг раиси, Конституциявий суд раиси, Олий суд раиси, Олий хўжалик суди раиси, фуқаролар йиғини раиси.

**РАТИФИКАЦИЯ** – Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилинади. Ўзбекистоннинг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги Олий Мажлиснинг тўхтами — қарор шаклида қабул қилинади. Ўзбекистоннинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари; давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг давлатлараро иттифоқларда, халқаро

ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар; иқроси амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини тақозо этадиган, шунингдек Ўзбекистоннинг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган халқаро шартномалар ратификация қилинади.

**РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ** – давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**РЕФЕРЕНДУМ** – ЎзРнинг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум ЎзРнинг бутун ҳудудида ўтказилади. ЎзРнинг бутун ҳудудида жорий этилган ҳарбий вақт ёки фавқулодда ҳолат шароитларида, шунингдек ҳарбий вақт тугаган ёки фавқулодда ҳолат бекор қилингандан кейин уч ой давомида референдум ўтказилмайди. Референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил давомида мазмун ёки маъносига кўра худди шундай савол қўйилган референдум ўтказилмайди. Референдум фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Қонунлар белгиланган тартибда ЎзРнинг референдумини ўтказиш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

**СЕНАТ** – ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Сенат аъзолари ҚорР, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланадилар. Сенатга сайлов ҚорР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎзР Президенти томонидан тайинланади. Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил ЎзР ҳудудида муқим яшаган ЎзР фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.

**СЕНАТОР** – Ўзбекистон Олий Мажлисининг Сенатига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ МСК томонидан рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон фуқароси. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Сенатор Сенатнинг ваколатлари муддатига сайланади (тайинланади). Сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас. Сенатор қонун ҳужжатларига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Сенатор Сенатнинг мажлисида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

**СЕССИЯ** (лот. *sessio* – мажлис сўзидан; инг. *session*) – айрим давлатларда парламент (ёки унинг палаталари) ишининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади.

**СИЁСИЙ БОШПАНА** – тегишли шахсга давлат ҳудудида чекланмаган вақт мобайнида бўлиш (яшаш), мазкур шахснинг ва унинг оила аъзоларининг шу давлат ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини бериш. Сиёсий бошпана сўралиши ва берилиши учун шахснинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва эътиқоди асос бўлади.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ** – Ўзбекистон фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир. Ўзбекистон фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин. Сиёсий партияларга аъзолик якка тартибда қайд этилади. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

**СОЛИҚ** – Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўлови. Ҳар бир шахс қонунда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ солиш умумийдир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

**СОЛИҚ ТИЗИМИ** – ЎзРнинг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягона бўлган тизим.

**СПИКЕР** - сайловдан кейинги биринчи мажлисда ҚПнинг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан ҚПнинг ваколат муддатига сайланган ҚПнинг бошлиғи. ҚП Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партия фракцияси ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас. Спикер ҚП қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас. Спикер яширин овоз бериш орқали ҚП депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган ҚП қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин. Спикер ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

**ТАДБИРКОРЛИК** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

**ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** – Ўзбекистон фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

**ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ** – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат.

**ФАХРИЙ УНВОН** – фуқароларни меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун рағбатлантириш мақсадида ЎзРнинг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилган: «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби», «Ўзбекистон ифтихори», «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси», «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми», «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи», «Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иктисодчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғликни саклаш ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фукаро авиацияси ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халк таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлок хўжалик ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчи».

**ФРАКЦИЯ** – сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин. ҚПнинг камида тўққиз нафар депутати фракцияни тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар рўйхатдан ўтиши керак.

**ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ** – аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга йиғин. Фуқаролар шаҳарчалар, кишлоклар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар. Фуқаролар йиғинида шаҳарча, кишлок ва овул, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган, вояга етган шахслар катнашадилар. Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

**ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС** – Ўзбекистон ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахс. Фуқаролиги бўлмаган шахс – бирон-бир давлатнинг фуқароси юридик мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс. Фуқаролиги бўлмаган, ЎзРда доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади.

**ФУҚАРОЛИК** – шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. ЎзРнинг фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар барча учун тенгдир. Фуқаролик масалалари юзасидан ЎзРнинг Президенти фармон чиқаради.

**ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ АКТЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ** – фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органлари томонидан фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш дафтарига (ҳужжатлар дафтарига) тегишли ёзувларни киритиш ҳамда шу ёзувлар асосида фуқароларга гувоҳномалар бериш. ФҲДЁ органларининг вазифаси фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш йўли билан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишдир. ФҲДЁ органлари тизимини туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимлари, Никоҳ уйлари, ҚорР Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ФҲДЁ архивлари ташкил қилади. ФҲДЁ органлари юридик шахс мақомига эга бўлмайди. ФҲДЁ органлари

фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уларни назорат қилиш Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

**ХАЛҚАРО ШАРТНОМА** – халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув бўлиб, улар иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Халқаро шартномалар мазмунига қараб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шартномалар бўлиши, шунингдек бошқа масалалар бўйича тузилиши мумкин. Муддатига қараб шартномалар муддатли ва муддатсиз бўлади. Халқаро шартномалар бошқа турларда ҳам тузилиши мумкин. ЎзРнинг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир. Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Конституциясига, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунга, шартноманинг ўз қоидаларига мувофиқ тузилади, бажарилади, тўхтатилади, тўхтатиб турилади ва денонсация қилинади. Халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва шундай кўринишда тузилиши, шунингдек бошқача номланиши мумкин. Халқаро шартномалар қоида тариқасида ёзма шаклда тузилади. ЎзРнинг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи давлатга тегишлидир. Ўзбекистоннинг Президенти давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатларда Ўзбекистон номидан иш кўради ва халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ махсус ваколатларсиз музокаралар олиб боради ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини имзолайди.

**ХУСУСИЙ МУЛК** – ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин. Хусусий мулк фуқароларнинг ёлланиб ишлашдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари ҳамда кредит муассасаларига қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан келган даромадлардан, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ва кўпайиб боради. Фуқароларнинг хусусий мулки уларнинг давлат мулкини хусусийлаштиришда иштирок этиши ҳисобидан вужудга келтирилишига ҳам йўл қўйилади. Хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектлар Ўзбекистон қонунлари билан белгилаб қўйилади.

**ЦЕНЗУРА** – нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказишга йўл қўйилмайди. Журналистдан хабарлар ва материалларни олдиндан келишиб олишини, шунингдек материал ёхуд хабарнинг матнини ўзгартиришни ёхуд уларни бутунлай нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди. ЎзРда цензурага йўл қўйилмайди.

**ЧАҚИРУВ ЁРЛИГИ** – ЎзРнинг дипломатия ваколатхонаси бошлиғи қуйидаги ҳолларда ЎзР Президентининг Фармони билан чақириб олинади: а) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи алмаштирилганда; б) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда; в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда; г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда; д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганида. ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари ЎзР Ташқи ишлар вазирининг буйруқлари билан чақириб олинадилар.

**ШАРТНОМА** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув. Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл

қўйилмайди. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

**ШИКОЯТ** – фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати.

**ЮРИДИК ШАХС** – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

**ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ** – фуқароларнинг Ўзбекистон қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир. Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

**ЎСИМЛИК ДУНЁСИ** – ёввойи организмлар дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма-хил турлари билан; ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи; камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари: ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар ҳаёти фаолиятининг маҳсуллари. Ўсимлик дунёси давлат мулки умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир.

**ҚАМОҚ** – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади (жиноятда).

**ҚОНУН** – энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда ЎзР Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. ЎзРнинг Конституцияси, ЎзРнинг қонунлари, ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

**ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ** – Ўзбекистон Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи ЎзРнинг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан — Олий Мажлиснинг ҚП (қуйи палата)дан ҳамда Олий Мажлиснинг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади.

**ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ** – ҚПда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ЎзР Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали ҚорР, ҚП депутатлари, ЎзР ВМ, ЎзРнинг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини ҚПга киритиш орқали амалга оширилади. Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек бюджет моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат ЎзР ВМнинг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТИ** – давлат бюджетининг ҚорР пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**ҚЎШМА МАЖЛИС** – бу Олий Мажлис палаталари (Сенат ва ҚП) аъзоларининг бир мажлисда биргаликда иштирок этиши. ҚП ва Сенатнинг қўшма мажлислари ЎзР

Президенти қасамёд қилганда, ЎзР Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда, Бош вазир ва Олий Мажлиснинг ҚП ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда ҚП депутатлари умумий сонининг камида ⅓ қисми томонидан ЎзР Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин. Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади. Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча ҚП депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ҚП Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади. Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари юзасидан палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

**ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ** – келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар, сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари; ёввойи ҳайвонлардан ташкил топадиган табиий ҳайвон галалари ёки уларнинг ҳар қандай тўдалари; ёввойи ҳайвонларнинг камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари; ёввойи ҳайвонлар яшаш фаолиятининг маҳсулотлари. Ҳайвонот дунёси давлат мулки умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланилиши лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида ҳайвонлар билан шафқатсиз муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди.

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТ** – Ўзбекистон фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир. Ҳарбий хизматнинг муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, контракт бўйича ҳарбий хизмат ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати турлари жорий этилган. Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.

**ҲОКИМ** – бу тегишлича вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси ва айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимият бошлиғи. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир. Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким ВМ белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Президенти ва ВМ кабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан ЎзРнинг

Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

**ҲУЖЖАТ** – ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами) мавжуд бўлган ёзма ҳужжат.

**ҲУҚУҚ** – давлат томонидан бутун жамият миқёсида ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган ҳамда бажарилиши барча учун мажбурий бўлган тартиб-қоидалар, нормалар тизими.

## Тавсия этиладиган адабиётлар


1. **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Асарлар, 6-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

2. **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10 – Т.: “Ўзбекистон”, 2002.

3. **Каримов И.А.** Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

4. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

5. **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.

6. **Каримов И.А.** ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мажлисидаги нутқи, [2010 йил 20 сент.]; Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари/ И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

7. **Абдумажидов Г.А., Саломов Б.** Ўлим жазосини бекор қилишда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишлар. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари./Масъул муҳаррир: Б.Аҳроров. – Т.. ТДЮИ нашриёти, 2006.

8. **Алиев Б.А., Раҳмонов А.Н.** Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг юксак натижалари. — “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан” (илмий-оммабоп рисола). – Т.: “O‘qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

9. **Аҳмедов Д.Қ.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

10. **Аҳмедов Д.Қ.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқ ҳокимиятчилиги. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

11. **Аҳмедшаева М.А.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.. ТДЮИ нашриёти, 2005.

12. **Зокиров И.Б.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

13. **Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар:** тўплам / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2004.

14. **Исломов З.М.** Конституция ва қонуннинг устунлиги. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

15. **Международное публичное право:** Учебник. Коллектив авторов. Ответственный редактор: д.ю.н. Х.Т.Адилкариев. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003.

16. **Мирзо Г., Ҳидиров С.М.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

17. **Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат** // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / - Т.: «Шарқ», 2006.

18. **Мухамедов Ҳ.М.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва давлат суверенитети. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

19. **Нажимов М.К., Утемуратов М.А.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

20. **Одилқориев Х.Т.** Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни. – Т.: «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.

21. **Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э.** Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи (халқаро оммавий ҳуқуқ): Дарслик. – Т.: «ХЕГА-ПРИНТ», 2002.

22. **Олломов Я., Беков И.Р.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

23. **Отахўжаев Ф.М.** Конституция ва оила. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

24. **Раҳимова М.** Халқаро ҳуқуқ. – Т.: «Akademiya», 2005.

25. **Раҳмонов А.Н.** Инсоннинг асосий ҳуқуқлари – олий қадрият сифатида. Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.

26. **Раҳмонов А.Н.** Ўзбекистон ва Германияда парламентнинг ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқи (қиёсий таҳлил). "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари" мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. – Т.: "Иқтисодиёт", 2011.

27. **Раҳмонов А.Н., Абдурашидов Т.** Ўзбекистонда сайлов тизимининг конституциявий асослари. "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари" мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. – Т.: "Иқтисодиёт", 2011.

28. **Раҳмонов А.Н., Ҳасанова З.** Давлат бошқарувини демократлаштириш – давр талаби. "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари" мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. – Т.: "Иқтисодиёт", 2011.

29. **Рустамбоев М.Ҳ.** Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

30. **Рустамбоев М.Ҳ.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

31. **Рустамбоев М.Ҳ., Алламуратов А.Т.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва суд ҳокимияти. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

32. **Сабуров Н., Сайдуллаев Ш.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

33. **Саидов А.Х.** Конституция ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

34. **Саидов А.Х.** Халқаро ҳуқуқ. Чизмалар ва таърифларда. Ўқув қўлланма. Т.2. – Т.: «Адолат», 2001.

35. **Саидов А.Х.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

36. **Турсунов А.С.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: мудофаа ва хавфсизлик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

37. **Турсунов А.С.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ташқи сиёсат. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

38. **Уразаев Ш.З.** Конституция независимого Узбекистана. – Т.: «Адолат», 1993.

39. **Файзиев Ш.Х.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жамиятнинг иқтисодий негизлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

40. **Шарифхўжаев М.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: «Шарқ», 2005.

41. **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонуни:** «Халқ сўзи», 2011 йил 19 апрель, № 76 (5243).

42. **Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши**/Қ.А.Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.

43. **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа.** – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2010.

44. **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси:** Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган). – Т.. Ўзбекистон, 2012.

45. **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ**/А.А.Азизхўжаев, Ф.Абдумажидов, М.А.Аҳмадшаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев; ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик ин-ти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

46. **Ўзбекистон юридик энциклопедияси** / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ., масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010.

47. **Ҳамидова М.А., Асадов Ш.Ғ.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

48. **Ҳамидова М.А., Баратов М.Х.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқароларнинг бурчлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

49. **Ҳамидова К.Т.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жамоат бирлашмалари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

50. **Ҳожиев Э.Т.** Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

51. **Ҳожиев Э.Т.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: молия ва кредит. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

52. **Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар.** Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999.

**Ўзбекистон Республикасининг**
## КОНСТИТУЦИЯСИ

### МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

### *БИРИНЧИ БЎЛИМ*

### АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

*I боб*
### ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

**1-модда.** Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

**2-модда.** Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

## *II боб*
## ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

**7-модда.** Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

**8-модда.** Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

**9-модда.** Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

**10-модда.** Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

**14-модда.** Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

## *III боб*
## КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

**16-модда.** Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

*IV боб*

## ТАШҚИ СИЁСАТ

**17-модда.** Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

## *ИККИНЧИ БЎЛИМ*

## ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

*V боб*

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

**20-модда.** Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

*VI боб*

## ФУҚАРОЛИК

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

## *VII боб*
## ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

**24-модда.** Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

**25-модда.** Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

**26-модда.** Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

**27-модда.** Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

**28-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

**29-модда.** Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

**31-модда.** Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

*VIII боб*

## СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

**33-модда.** Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

**35-модда.** Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

*IX боб*

## ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

**36-модда.** Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

**37-модда.** Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

**38-модда.** Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

**39-модда.** Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

**40-модда.** Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**41-модда.** Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

**42-модда.** Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

*X боб*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**43-модда.** Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

**44-модда.** Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**45-модда.** Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

**46-модда.** Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

*XI боб*

## ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

**47-модда.** Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

**48-модда.** Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

**49-модда.** Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

**50-модда.** Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

**51-модда.** Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

**52-модда.** Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

### *УЧИНЧИ БЎЛИМ*

## ЖАМИЯТ ВА ШАХС

### *XII боб*
### ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

**53-модда.** Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

**54-модда.** Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

**55-модда.** Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

### *XIII боб*
### ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

**56-модда.** Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

**57-модда.** Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**58-модда.** Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

**59-модда.** Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

**60-модда.** Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларининг молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

**61-модда.** Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

**62-модда.** Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

## *XIV боб*
## ОИЛА

**63-модда.** Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

**64-модда.** Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

**65-модда.** Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

**66-модда.** Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

## *XV боб*
## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

**67-модда.** Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

## *ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ*

## МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

### *XVI боб*
### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

**68-модда.** Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

**69-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

### *XVII боб*
### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**70-модда.** Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

**71-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

**72-модда.** Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

**73-модда.** Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

**74-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

**75-модда.** Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

## *БЕШИНЧИ БЎЛИМ*

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

### *XVIII боб*
### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

**76-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати — беш йил.

**77-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**78-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларини тасдиқлаш;

7) божхона, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

**79-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

**80-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

**81-модда.** Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тегишинча янги чақириқ Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси

Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки Бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

**82-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**83-модда.** Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

**84-модда.** Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

**85-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатасининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

7) Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери фармойишлар чиқаради.

**86-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз таркибидан Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпрогининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорларига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси:

1) Сенат мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

7) Сенат қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси фармойишлар чиқаради.

**87-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади.

**88-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларига ва Сенати аъзоларига уларнинг депутатлик ёки сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

## *XIX боб*
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

**89-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

**90-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

**91-модда.** Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

**92-модда.** Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

**93-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалар юзасидан маърузалар тақдим этади;

8) республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади ва лавозимидан озод қилади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

18) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

19) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;

21) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади;

24) Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу

масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

25) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

**94-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

**95-модда.** Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

**96-модда.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.

**97-модда.** Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

## *XX боб*
## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

**98-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади,

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

## *XXI боб*
## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

**99-модда.** Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

**100-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**101-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати — 5 йил.

**102-модда.** Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

**103-модда.** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

**104-модда.** Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳududдаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

**105-модда.** Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## *XXII боб*
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ

**106-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**107-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

**108-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

**109-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**110-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

**111-модда.** Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

**112-модда.** Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

**113-модда.** Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**114-модда.** Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

**115-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

**116-модда.** Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

## *XXIII боб*
## САЙЛОВ ТИЗИМИ

**117-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи

Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

## *XXIV боб*
## ПРОКУРАТУРА

**118-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

**119-модда.** Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати — беш йил.

**120-модда.** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**121-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

*XXV боб*
## МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

**122-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

**123-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

**124-модда.** Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқаради.

*XXVI боб*
## МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

**125-модда.** Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Куролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

**126-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада куролли кучларига эга.

## *ОЛТИНЧИ БЎЛИМ*

## КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

**127-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

**128-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

*Ўқув-услубий нашр*

АЛИҚУЛ РАҲМОНОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ**

**Муҳаррир**
**Гавҳар МИРЗАЕВА**

**Бадиий муҳаррир**
**Уйғун СОЛИҲОВ**

**Мусаҳҳиҳ**
**Диллора ЖЎРАБЕКОВА**

**Техник муҳаррир**
**Сурайё АҲМЕДОВА**

**Компьютерда саҳифаловчи**
**Абдуқодир ЮЛДАШЕВ**

Босишга 07.08.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 60х84 1\16.
Босма табоғи 9,5. Шартли босма табоғи 8,86.
Гарнитура «Times Uzb95». Офсет қоғоз.
Адади 100 нусха. Буюртма № 208.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: AI № 198, 2011 йил 28.08 да берилган.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

*Мурожаат учун телефонлар:*
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

АЛИҚУЛ РАҲМОНОВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-109-8

9 789943 271098